SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2004-YIL ■ 24-AVGUST ■ SESHANBA ■ 100-101 (27.276) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.






## ГУЛИСТОНДА «ЛОЛА МОДЕЛЬ» ИШГА ТУШДИ

**(ЎзА мухбири А.Адизов).** Гулистонда «Лола Модель» Ўзбекистон-Америка-Туркия қўшма корхонаси фойдаланишга топширилди. «Лола» акциядорлик жамияти, Американинг «BRI» компанияси ва Туркиянинг «DOGUS» компанияси қўшма корхона муассисларидир.

Цехларда Япония, Жанубий Корея ва Германияда тайёрланган 254 та технологик ускунани монтаж қилиш ишлари ниҳоясига етди. Умумий қиймати 2 миллион 130 минг АҚШ долларига тенг ушбу лойиҳани Америка бизнеси вакиллари ва «Асака» давлат акциядорлик тижорат банки молияламоқда.

Янги корхона трикотаж маҳсулотлар, чунончи, катталар ва болалар учун спорт майкалари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Ҳар йили етти миллион дона ана шундай экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқарилади. Шу йил охиригача қўшма корхона хорижий «DOGUS» ва «BRATEKS» компанияларидан ўз маҳсулотларини экспорт қилиш учун буюртмалар олди. «Лола Модель» корхонасининг қарийб 860 минг долларлик трикотаж товарлари мазкур компаниялар орқали дунёнинг турли мамлакатлари, биринчи навбатда АҚШ ва Туркия шаҳарларида сотилади.

Қўшма корхонанинг очилиш маросимида вазирлик ва идоралар раҳбарлари, чет эл элчихоналари, фирма ва компаниялар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирни Сирдарё вилояти ҳокими Р.Ҳайдаров очди. Маросимда сўзга чиққан Американинг «BRI» компанияси вакили Дэвид Кетчем, Туркиянинг Ўзбекистондаги элчисининг савдо масалалари бўйича маслаҳатчиси Муслим Демир, «DOGUS» компанияси менежери Челял Улуғ ва бошқалар янги корхонада ишлаб чиқариладиган трикотаж маҳсулотлар нафақат Ўзбекистонда, балки унинг ташқарисида ҳам ўз истеъмолчиларини топиши, корхона жамоаси мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшишига ишонч билдирди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари М.Усмонов сўзга чиқди.

❖ ❖ ❖

**Суратларда:** корхона қизлари; цехларнинг бирида иш жараёни; тикувчи Нигора Рўзиқулова.

**Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар**





## ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ЎН БЕШИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси 2004 йил 26 август куни эрталаб соат 10 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 25 август куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

### Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис депутатлари фракциялари ва депутатлар блоклари таркибига кирадиган депутатлар диққатига

Олий Мажлисда 24 август куни соат 15.00 да Фидокорлар миллий демократик партияси, соат 15.30 да эса «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтади. Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши эса ушбу партия Марказий Кенгашининг мажлислар залида 24 август куни соат 17.00 да бўлади.

Олий Мажлисда 25 август куни соат 15.00 да «Адолат» Социал-демократик партиясининг фракцияси, ҳокимият вакиллик органларининг Олий Мажлис депутатлари блоки ҳамда сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг Олий Мажлис депутатлари блоки йиғилишлари ўтказилади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

**Кеча иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳининг якунловчи йиғилиши бўлиб ўтди. Уни ишчи гуруҳи раҳбари, Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Борис Бугров олиб борди.**

Йиғилишда кичик гуруҳлар раҳбарларининг сессияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ахбороти тингланди. Сессия муҳокамасига киритилаётган қонун лойиҳалари ва бошқа материаллар депутатларга ўз вақтида юборилди. Сиёсий партияларнинг фракциялари, депутатлар блоклари, сайловчилар, ташкилот, муассаса ва жамоат бирлашмаларидан қатор таклифлар тушди. Бу таклифлар Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларида диққат билан ўрганилиб, ҳужжатларни маромига етказишда ҳисобга олинди. Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларининг, ишчи гуруҳларининг сессияга тайёргарлик давридаги фаолияти оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритиб борилди. Депутатларга сессия иши даврида ташкилий-техникавий хизмат кўрсатиш, улар учун зарур шароитлар яратиш масалалари ҳал этилди.

Йиғилишда таъкидланганидек, мамлакат Давлат бюджетининг 2004 йил биринчи ярим йиллигидаги ижросининг ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилга мўлжалланган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрларининг, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва жамиятимиз сиёсий институтларини изчил такомиллаштириб бориш билан боғлиқ қонун лойиҳаларининг сессияда муҳокама қилиниши демократик жамиятни барпо этиш, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга.

Қонун ҳужжатлари лойиҳалари устида олиб борилаётган ишларни давом эттириш, тушаётган таклиф ва фикр-мулоҳазаларни диққат билан ўрганиш, парламентнинг самарали иш олиб боришини таъминлаш юзасидан белгилаб олинган тадбирларни амалга ошириш зарурлиги уқтириб ўтилди. Йиғилишда тегишли хизмат бўлинмаларининг ахбороти ҳам тингланди.

**Беҳзод ШУКУРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

## «НИҲОЛ-2004» ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашга, уларнинг қобилиятини юзага чиқаришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган «Ниҳол» мукофоти санъат йўлига дадил қадамлар билан кириб келаётган ёшларимиз учун самарали ижод ва изланишга даъват этувчи ўзига хос омил бўлмоқда.

Пойтахтимиздаги Халқлар дўстлиги саройида «Ниҳол» мукофоти совриндорларини тақдирлашга бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ёш авлод камолоти, таълим-тарбияси давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан эканини таъкидлади. Қад ростлаётган кўплаб таълим даргоҳлари, спорт мажмуалари, йигит-қизлар қобилиятини юзага чиқариш мақсадида ташкил этилаётган кўрик-танловлар, фан олимпиадалари, илмий-ижодий анжуманлар ана шу хайрли мақсадга хизмат қилмоқда.

«Ниҳол» мукофоти соҳиблари юртимиздагина эмас, балки халқаро миқёсдаги танловларда, мусиқа фестивалларида муваффақият қозонмоқдалар.

Бу йил ушбу мукофотга тавсия этилган саксондан зиёд номзоднинг ижодий имкониятлари ҳар томонлама холис кўриб чиқилди. Мустақиллигимизнинг ўн уч йиллик байрами арафасида улардан энг муносиблари ана шу мукофотга лойиқ топилди. Улар орасида Дилафрўз Аҳмедова, Лола Аҳмедова, Павел Упоров, Улуғбек Юнусов, Дилноза Исмияминова, Феруза Жуманиёзова, Шерзод Давронов, Гулсанам Мамазоитова каби ёш санъаткорлар бор.

Тадбирда «Ниҳол» мукофоти совриндорлари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири**

## ТОШКЕНТ:
## ЯНА ИККИ ҚЎШ ҚАНОТЛИ ҚЎШМА КОРХОНА

**Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари билан иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик — ижтимоий фаровонлик омили эканлигига тобора мослашиб бораётган республикамиз иқтисодиёти истиқлол йиллари бошланган тузилмавий ислоҳотларнинг муҳим босқичидан ўтмоқда. Бу ислоҳотларнинг мақсади — илғор ва замонавий технологияларни жорий этиш йўли билан янги ишлаб чиқариш тармоқларини яратиш ва амалдагиларини қайта қуриш асосида иқтисодиётни замонавийлаштиришдан иборат. Дарвоқе, бу йўналишда дунёнинг ривожланган мамлакатлари билан ҲАМКОРликнинг бой тажрибалари тўпланди ҳам.**

Масалан, айни Мустақиллик йилларида Япония компаниялари ва банклари кўмагида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Шўртан газ-кимё мажмуаси қад кўтариб, Марказий Осиёда энг катта бўлган — Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи таъмирланди. Кўкдўмалоқ газ-конденсат заводида газ-компрессор станцияси ишга туширилди. Шубҳасиз, улар Ўзбекистоннинг энергетика мустақиллигига эришишига замин яратди.

Шунингдек, бу ҳамкорлик Қўқондаги тўқимачилик мажмуига ҳар йили қўшимча қиймат ҳажмини 27 миллион долларгача, экспорт маҳсулотлари ҳажмини 33 миллион долларгача ошириш имконини берди. Бундай мажмуалар Чинозда, Шаҳрисабзда... ҳам ишга туширилди.

2001 йилда ўрнатилган Ўзбекистон ва АҚШ стратегик шериклик муносабатларини олинг: ташқи савдо айланмаси 10 фоизга ошди. Республикамизда ҳозир америкалик сармоядорлар иштирокида ташкил этилган 453 тадан ортиқ корхона рўйхатга олинган. Улардан 124 таси 100 фоиз хорижий сармоялар иштирокида тузилди. «Зарафшон — Ньюмонт» олтин қазиб олувчи, «УзТексако» ёғ-мой, «УзЭксайд» аккумулятор ишлаб чиқарувчи ва «БиЭсАй индастриз Инк» Хўжаобод ер ости газ омбори... сингари кўплаб қўшма корхоналар шулар жумласидандир.

Буларгина эмас. 1996 йилда имзоланган «Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим»га мувофиқ эндиликда Европа Иттифоқи давлатлари ҳам устувор иқтисодий шерикларимизга айланди. Улар орасида Буюк Британиянинг «Оксус Майнинг» компанияси билан ҳамкорликда тузилган «Амантайтау голдфилдз», тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи — «ЎзБАТ», кабель маҳсулотлари тайёрловчи «Дойче-Кабель Ат Тошкент» (Германия), автомобиль ва қурилиш ойналари ишлаб чиқарадиган «Текинт» (Италия) қўшма корхоналарини алоҳида кўрсатиб ўтиш жоиз.

Ёки яна рақамлар тили билан айтадиган бўлсак, Европа Иттифоқи мамлакатларининг экспорт суғурта агентликлари ва банклари томонидан ўлкамизда умумий қиймати 2,9 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган 174 та лойиҳа молиялаштирилган.

Тобора ривожланиб бораётган халқаро сармоядорлардан бири — Россия билан ҳамкорлик алоқаларимиз тараққиётигаку гап йўқ. Ҳозир кабель маҳсулотлари, электротехник машиналар, жиҳозлар ва аппаратура ишлаб чиқариш соҳаларида 19 та Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси фаолият юритмоқда. 33 та қўшма корхона саноат ва маиший турдаги асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Машинасозлик, машина ва жиҳозларни таъмирлайдиган 68 та қўшма корхона самарали ишлаб турибди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган («Балтимор», «Черкизова») ва сут маҳсулотлари ҳамда мева шарбатларига ихтисослашган «Вимм Билл Дан» — Тошкент» сингари қўшма корхоналар номларини юзлаб келтириш мумкин...

Айниқса, **«Ўзбекенгилсаноат» Давлат акциядорлик компанияси** тизимида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга ҳажмини миқдор жиҳатдан ҳам, сифат жиҳатдан ҳам кескин оширишга катта эътибор берилаяпти. Тармоқ олдига 2004-2006 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурига кўра, экспорт салоҳиятини босқичма-босқич 350 миллион АҚШ долларига ошириш ва ички ишлаш ҳажмини эса 50 фоизга кўтариш вазифаси қўйилган. 608,4 миллион АҚШ долларига тенг, шу жумладан, сармоядор — инвесторларнинг шахсий маблағлари ҳисобига 305,6 миллион АҚШ доллари миқдоридаги инвестицияларни жалб этиш йўли орқали тармоқ корхоналарини замонавий техникалар билан қайта қуроллантириш кўзда тутилган.

... Истиқлолнинг 13 йиллиги байрами арафасида мамлакатимиз пойтахти — Тошкентда ишга туширилаётган яна икки қўш қанотли қўшма корхона — **«Шарқ гули»** ва **«Сағбон-Текстиль»** («SAG'BON TEKSTILE ENTER RISES LTD Go») саноат мажмуаларидан ҳам кутилган мақсад шу. Зеро, улар ҳам барча турдаги қўшма корхоналар сингари халқимиз даромадлари ва турмуш даражасини ошириш учун қулай имкониятлар берувчи мутаносиб халқаро савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилиши, шаксиз.



— **«Шарқ гули»** деган исми-жисмига монад корхонамиз ёнида бугун яна бир қўшма корхона — «SHARK MODEL» ҳам қад кўтарди, — дейди **корхона бошқаруви раиси Саида ҒАНИЕВА.** — У йилига 7,2 миллион донагача тайёр трикотаж маҳсулотлари (устки кийимлар, шундан 3 миллион донаси болалар учун) ишлаб чиқариш қувватига эга. Ўзимизнинг жамоамиз ва Туркиянинг «Kideks Tekstil Gryim San. Ve Tis. Ltd. Sti» корхонаси таъсисчи. Низом жамғармасининг 40 фоизи ўзимиздан, 60 фоизи шериклар — туркияликлардан.

... Бор-йўғи олти ой ичида тикланган корхона қурилишига 21 миллиард сўм маблағ сарфланди. Унда тикув, бичув, йигирув-тўқув, қадоқлаш, босма босиш сингари қатор цехлар мавжуд бўлиб, келажакда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг 85 фоизи асосан Америка ва Канадага жўнатилиши кўзланмоқда. Бунинг учун бу ерга Япония ва Германиядан энг янги нусхадаги тезкор ускуналар келтирилди. Биргина тикув цехида 216 та замонавий машиналар ўрнатилди.

**Ender Gokoe, туркиялик мутахассис, корхона менежери:** 16 та бошқарув пультидан иборат тикув автоматлари ёрдамида дастлабки босқичдаёқ 9 хил рангли маҳсулот ишлаб чиқарилади. Ҳозирча 850 нафар, кейинчалик 1350 нафар ишчи ўринлари яратилади. Ҳамма жараён компьютерлашган, ортиқча қўл меҳнатига талаб йўқ... Боз устига тикувчилар ва бичувчилар танлов асосида қабул қилинган...

2-бет

BANK XALQ BANKI
ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 137-23-98, 137-10-20, 134-75-57; Faks: 136-76-22.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

# ИСТИҚЛОЛНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

## БУЮК КЕЛАЖАК САРИ ЙЎЛ СОЛГАН ИСТИҚЛОЛИМИЗ ЯНА БИР ХОСИЯТЛИ ЙИЛ — ЎН УЧИНЧИ ЙИЛНИ КЕЧИНДИ...

**ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ.** Мустақилликнинг ўн учинчи йилида Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамияти меҳваридаги хос ва мос ўрни янада мустаҳкамланди. Бунинг исботини, айниқса, Япония билан дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик алоқалари ҳамда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШҲТ), Ўзбекистон ҳамда Россия ўртасида стратегик шерикчилик тўғрисидаги Битим мисолларида ҳам кўриш мумкин.

ШҲТнинг Тошкент саммити ташкилотнинг ташкилий жиҳатдан шаклланиши ва аввал тузилган ташкилий тузилмалар ҳамда институтларни аниқ маъно-мазмун билан тўлдиришдаги якуний босқич сифатида тарихда қолди.

Янги босқич, авваламбор, ташкилотга аъзо давлатлар доирасида кенг кўламли ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ. ШҲТ Хартиясида белгиланган барча йўналишларда изчил, кенг кўламли, олға интиладиган ҳаракатларнинг навбати келди. Унда ўзаро ҳаракатлар узоқ вақтга мўлжалланган мақсадлар ҳамда яқин келажакдаги устувор йўналишлар билан уйғунлашган. Ўзаро ҳаракатларнинг мақсади — олти давлатнинг ўзига хослиги ва суверен ҳуқуқларини ҳурмат қилган ҳолда, уларнинг биргаликдаги манфаатларини аниқлашдан иборат.

Саммитда минтақа келажагини белгиловчи муҳим тарихий ҳужжатлар қабул қилинди. Халқаро терроризм, экстремизм ва наркотрафикага қарши биргаликда кураш, ташкилотга аъзо давлатларнинг иқтисодий ҳамкорлигини мустаҳкамлаш бўйича ҳам амалий натижаларга эришилди. Давлатлар раҳбарлари ШҲТнинг доимий фаолият юритувчи органлари — Пекиндаги Котибият ва Тошкентдаги Минтақавий аксилтеррор тузилмаси

*(Боши ўтган сонда.)*

ижроия қўмитаси ўз вақтида фаолият юрита бошлаганидан қониқиш ҳосил қилишганини билдирдилар. Шунингдек, улар Хитой ва Ўзбекистон томонлари мазкур органларнинг тўлақонли ишлаши учун шароит яратишда куч-ғайрат кўрсатганликларини қайд этишди. Айнан, шунинг учун саммит дунё ҳамжамияти диққатини ўзига тортди.

Учрашувнинг юқори савияда ўтишини таъминлашда, кўзланган мақсад ва вазифаларга эришишда саммитга раислик қилган Ўзбекистон раҳбарининг хизматлари бениҳоя катта. Форум ишининг мазмун ва моҳиятини аниқлашда, унинг самарадорлигини оширишда ШҲТ доирасида халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши кураш, иқтисодий ҳамкорликни кучайтириш бўйича қилинган нутқларда илгари сурилган ғоя ва таклифлар муҳим роль ўйнагани, шубҳасиз.

Ўзбекистон раҳбари саммитдаги нутқида қайд этганидек, **Марказий Осиё ҳар бири ўзига хос тарихий, этник-маданий илдизларга, диний ва ижтимоий турмуш тарзига, ўз менталитетига эга бўлган мамлакатлар ва халқлар яшайдиган минтақа эканлигини ёдда тутишимиз зарур. Бу жуда вазмин, жуда эътибор ва жуда ҳурмат-эҳтиром билан ёндашишни талаб қилади.**

Марказий Осиёда юз бераётган кўплаб воқеаларни тушунишнинг калити ва минтақада барқарорлик ҳамда хавфсизликни сақлаш борасидаги мураккаб муаммоларнинг ечими кўп жиҳатдан ана шундай ёндашувлар замирида мужассам, десак, муболаға бўлмайди.

ШҲТнинг асосий йўналишлари — хавфсизлик ва иқтисодиёт бўлиб, ана шу икки устунга таяниб иш кўриш унинг фаолияти самарадорлиги ва халқаро нафузини таъминлаши мумкин. Ташкилотнинг иқтисодий тузилмаларини кучайтириш зарурати Марказий Осиё умумий бозорини шакллантиришни тақозо этиши, табиий. Унинг амалга оширилиши минтақа мамлакатлари ва халқларининг туб стратегик манфаатларига мос келади. Умумий бозорни яратиш амалда тор миллий доирадаги бозорлар ўрнига минтақада товарлар ва хизматларнинг, меҳнат ҳамда сармояларнинг йирик ва жуда кенг кўламли бозорини шакллантириш имконини беради.

Ўзбекистон йирик транспорт-коммуникация лойиҳаларини амалга ошириш бўйича саммитда айтилган таклиф ва ғояларни қўллаб-қувватлайди. У, ўз навбатида, ШҲТга аъзо давлатларнинг Европа Иттифоқи, Жанубий ҳамда Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари билан иқтисодий алоқаларини кучайтирувчи муҳим омил бўлиши мумкин.

ШҲТ доирасида интеграциялашув жараёнларини қўллаб-қувватлаш бўйича чоралар қаторида давлатлар раҳбарлари ШҲТ Тараққиёт фонди ва ШҲТ Ишбилармонлар Кенгашини ташкил қилишга киришиш вақти келганини ҳам таъкидлашди.

Умуман, Москва саммитидан кейинги даврда турли соҳалардаги ҳамкорликнинг кенгайишини ижобий баҳолаб, ҳукумат раҳбарлари ўзаро ҳаракатларни аниқ ва самарали бўлишига эътибор қаратиш лозимлигини таъкидладилар. Шу билан бирга ишлар самарадорлигини ошириш учун ўзаро ҳаракатларнинг ҳуқуқий меъёрларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, шунингдек, эришилган шартномаларни вақтида бажариш муҳим аҳамият касб этади.




Буларнинг барчаси ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари имзолаган Тошкент Декларациясида ўз аксини топди ҳам.

Декларацияда Осиё — Тинч океани минтақасида коллектив хавфсизлик тизимини яратиш вазифаси қўйилган. Зеро, терроризм ва экстремизмнинг янги шиддатли фаоллашуви катта ташвиш уйғотмоқда. Терроризм вазиятга тез мослашиб, замонавий техника воситаларини қўллаш билан ечими топилмаган ҳар қандай низолардан ўз манфаати йўлида фойдаланишга тайёр турибди. Айнан, шунинг учун ҳам ШҲТга аъзо давлатлар терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши курашнинг самарасини ошириш мақсадида хавфсизлик соҳасида ҳамда умумий манфаатлар ҳимояси йўлида ҳамкорликни мустаҳкамламоқдалар.

Давлатлар раҳбарлари бу таҳдидларга қарши курашда мувофиқлаштириш ишини мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳуқуқни ҳимоя этиш идоралари ва махсус хизматлар иштирокидаги аксилтеррор машғулотларини ўтказиш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидладилар.

Замонанинг мураккаб хуружларига халқаро ҳуқуқ ва тамойилларига риоя қилган ҳолда, давлатларни турли тоифаларга ажратмасдан кўп томонлама жавоблар топиш зарур. Фақат мана шундай муносабатгина халқаро хавфсизлик ва барқарорликни таъминлайди. ШҲТ ўз фаолиятида ана шу тамойилларга қатъий амал қилишга интилади ҳамда барча давлатлар билан фаол ҳамкорликка тайёрлигини билдиради.

ШҲТ ўз қўшнилари билан уйғунликда ҳаёт кечираётган тинч, осойишта ва фаровон Афғонистонни тиклашдан манфаатдорлигини билдирган ҳолда, мамлакатда кенг вакилликдан иборат ҳукумат шаклланаётганини олқишлайди.

ШҲТга аъзо давлатлар бу мамлакатда халқаро дастурларни амалга оширишда БМТнинг марказий мувофиқлаштирувчи ролини эътироф этиб, хавфсизлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш мақсадида терроризм, экстремизм ва наркобизнесга қарши курашда халқаро ҳамкорликни рағбатлантириш, шунингдек, Афғонистонни тинч йўл билан тиклаш бўйича зарур шароитларни яратишга ҳаракат қиладилар.

Бунда терроризм ва экстремизмга қарши қатъий ва узлуксиз курашчи сифатида бутун дунёда тан олинган мамлакатнинг пойтахти Тошкентда жойлашган ШҲТ таркибидаги Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (МАТТ) ўзининг муҳим ролини бажариши керак.

МАТТнинг расмий мақоми нимадан иборат? Бу саволга Ўзбекистон раҳбари томонидан узил-кесил жавоб берилган.

Саммитда раислик қилган Ислом Каримов ўз чиқишида МАТТ фаолиятининг бир қанча принципиал жиҳатларига тўхталди. МАТТнинг муваффақиятли фаолият олиб боришининг энг муҳим шарти — Марказий Осиё ва бутун дунёдаги хавфсизлик ҳамда барқарорликка қарши қаратилган хавф-хатар ва таҳдидларга умумий ҳамда ягона ёндашув ва қарашлар бўлиши керак. Мамлакатларимиз ва халқларимиз хавфсизлигига бир хилда таҳдид солаётган хатарларнинг умумийлигини англаш бизни бирлаштириши зарур, шарт.

Минтақавий аксилтеррор тузилмани ШҲТ мамлакатларининг тегишли хизматлари вакиллари, яъни қўйилган вазифаларни юксак профессионал даражада бажаришга қодир бўлган юқори малакали мутахассислар билан тўлдириш ўта долзарб аҳамиятга эга. Албатта, фақат махсус хизматлар ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ўртасидаги юқори даражадаги ишонч ҳамда яқин ҳамкорликкина тезкор аҳамиятга эга ахборотларни ўз вақтида алмашиш, турли хавф-хатарларга олдиндан зарба берадиган тадбирларни ҳамкорликда аниқ режалаштириш ва амалга оширишни таъминлайдиган ҳақиқий самарали алоқаларни йўлга қўйиш имконини беради.

Минтақавий аксилтеррор тузилмаси БМТ, АСЕАН, Интерпол, Европол сингари етакчи халқаро ташкилотларнинг аксилтеррор марказлари билан амалий ҳамкорлик учун очиқ бўлиши лозим.

МАТТ иш юритишнинг фақат куч ишлатиш ва ҳуқуқ-тартибот усуллари билан чекланиб қолмаслиги керак. Ўзбекистон раҳбари масалага кенг ёндашишни таклиф қилди. **«Бизнинг назаримизда,** — деди у, — **терроризмнинг мафкуравий негизи ва манбаларини таг-томири билан қўпориб ташлаш учун бутун бир тадбирлар мажмуи, жумладан, маънавий-маърифий, таълим, тарғибот-ташвиқот йўналишидаги ишларни амалга ошириш лозим.**

**Биз фақат террорчилик кўринишларининг ўзига, портлашлар содир этиб, бегуноҳ одамларнинг умрига зомин бўлаётганларга қарши кураш билан чекланмаслигимиз керак.**

**Авваламбор, нафрат ва террорчилик мафкурасини яратаётган кўпсонли радикал ва экстремистик марказларга, одамларнинг онгини заҳарлаётган ва биринчи галда ёшларни йўлдан оздираётган, айтиш мумкинки, бўлажак террорчиларни тайёрлайдиган бамисоли конвейер яратаётганларга қарши курашиш даркор».**

Ёвузлик найзаси ҳозирча бошқаларга қаратилганига ишониб, бундай офат ва таҳдидларга қарши қатъий курашдан ўзини четга олишга уриниш хатарли хато бўлиши мумкин. Чунки хавфсизлик яхлит ва бўлинмайдиган тушунча эканини ҳаётнинг ўзи такрор-такрор исботламоқда. Ислом Каримов «ШҲТнинг жавобгарлик ҳудуди», деган тушунча истеъмолга киришга ҳақли, деб ҳисоблайди. Бунинг учун барча асослар бор.

Тошкент саммити, аввалламбор, Марказий Осиё минтақасида терроризмга қарши курашиб, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга, ШҲТ фаолиятини янгича маъно-мазмун кашф этишига, унинг самарадорлигини оширишдек эзгу мақсадларга хизмат қилади. Ишонамизки, ҳозирги шиддат билан ўзгараётган дунёда минтақа халқлари фаровонлиги йўлида муносиб ўрин эгаллаш учун ШҲТ шубҳасиз, катта имкониятларга эга.

**ХОТИМА**

Истиқлолнинг ўн учинчи йилида ички ва ташқи сиёсатда эришилган ютуқлар, шубҳасиз, янада кўламдор, янада самаралидир. Биз улардан энг муҳимларинигина қайд этдик, холос.

Ўзбекистон демократик цивилизациянинг, демократик миллий тараққиётнинг яна бир янги сифат босқичини кечинди. Маърифий дунё узра маърифий бўй-бастини яна бир бор хосу мос намоён этди. Ўз танлаган ислоҳий йўли тўғрилиги ва истиқболига қатъий ишонган ҳолда, мамлакат Йўлбошчиси раҳнамолигида комиллик билан буюк келажак сари дадил бормоқда.

**Мурод ШАРИФХЎЖАЕВ,**
**академик**

---

**ХДП ташкилотлари конференциялари**

# ЖОНЛИ СЎЗ ВА АМАЛИЙ ИШЛАР УЙҒУНЛАШСИН

**Демак, биз сиёсий тарғиботчилик фаолиятимизда жонли сўз айтишимиз зарур. Жонли сўз — дилдаги ғояни очиқ, ошкора айтиш. ЎзХДП Наманган вилоят ташкилотининг III конференцияси делегатлари шу хусусда фикрлашдилар**

Ўтган ҳисобот даври мамлакатимиз сиёсий ҳаётида кескин ўзгаришлар ясаш заруратини қўйди. Айниқса, давлат бошқаруви тизимидаги ислоҳий жараёнлар, хусусан, икки палатали профессионал парламентнинг юзага келаётгани сиёсий партиялар фаолиятини тубдан ўзгартириш, жўшқин амалий интилишларни тақозо этмоқда.

Вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Муҳаббатхон Абдуллаева ҳисобот маърузасида қилинган ва қилинмаган, қилиниши лозим бўлган ишларга, партия аъзоларининг бурч ва вазифаларига атрофлича тўхталди.

— Бугунги кунда вилоят партия ташкилоти таркибида 1050 та бошланғич ва ҳудудий тузилмалар бўлиб, уларга 59,5 мингдан зиёд маслакдошларимиз бириккан, — деди маърузачи. — Ўтган даврда вилоят партия кенгашининг пленумлари ва ижроия бюро йиғилишлари мунтазам ўтказилиб, уларда партиявий ишларнинг турли соҳаларига оид 160 га яқин масала кўриб чиқилди. Бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишларида бошланғич партия ташкилотларимизнинг фаолиятидан маълум қониқишлар ҳосил қилган бўлсакда, халқ орасида ишлашда ва маслак йўлида мустаҳкам жипслашишда бир қадар заифликлар ҳам сезилмоқда. Биз 1999 йилда бўлиб ўтган сайловлар натижасига кўра партиямиздан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайланганларнинг ҳиссасини 47 фоиздан 37 фоизга камайтириб юборгандик. Янги сайловларнинг яқинлашаётганидан келиб чиқадиган бўлсак, ҳали қилинажак ишларимиз ҳаммаси олдинда эканини аниқ кўришимиз мумкин.

Вилоят партия кенгаши етакчиси тарғибот ишлари, айниқса, партия нашрларига обуна уюштиришдаги сусткашликлар ҳақида ҳам атрофлича тўхталди.

— Биз беш йиллик фаолиятимиздаги камчиликлар юкидан заифлашмаслигимиз керак. Чунки партиямиздан Олий Мажлисга, маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатларимизнинг асосий қисми сайловчилари олдида, халқимиз олдида муносиб номзодлар танлаганимизни амалий намоён этди. Депутатларимиз ўз сайловчилари билан учрашувларда ва депутатлик қабулхоналарида 7009 дан зиёд таклиф, мулоҳаза ва муаммоларнинг 6500 га яқинини ижобий ҳал этишга эришдилар. Айниқса, Олий Мажлис депутатлари Нурдинжон Исмоилов, Неъматилла Қурбонбоевларнинг ва вилоят Кенгаши депутатлари Валижон Юлдошев, Абдурашид Убайдуллаев, Мухторжон Ҳалилов, Раҳимжон Ҳамидов, Зокиржон Расуловларнинг, шунингдек, бир қатор шаҳар ва туман Кенгашлари депутатларининг фаоллиги мақтовга арзийди.

Оғриқли бир жиҳат — партиядошларимиз таркибининг сифатини мустаҳкамлаш масаласи. Янги тузилган партияларга ҳар хил сабаблар билан ўтиб кетаётганлар бор. Назаримда асосий сабаб — ўша партия аъзосида эътиқод мўртлигида. Шуни қайд этиш керакки, ЎзХДП миқдор ўсишлардан сифат ўсишларига аллақачон ўтган. Бу жараённи бугун бўлмаса эртага бошқа партия ҳам бошларидан ўтказиши табиий.

Таъсирчанликни таъминлаш учун нималарга кўпроқ эътибор бермоғимиз керак?

Вилоят «Маънавият ва маърифат» кенгашининг масъул котиби Зиёвиддин Мансуров ўз сўзида ана шу саволни ўртага ташлади.

— Нима учун кўпинча партия йиғилишларида дилимиздагиларни очиқ-ошкор айтишдан кўра ёзилган маърузани ўқиб беришимиз керак? Ҳозир замон ўзгарди, деймизу замондошларимизнинг таъби-диди, қарашлари, онг-шуури ўзгарганини ҳисобга олмаётгандаймиз. Халқ ичига кенгроқ кириб боришнинг бирдан бир таъсирчан йўли жонли сўз айтишдир. Жонли сўз кўнгилдаги ғояларнинг ёркин ифодачиси бўла олади.

Бугун одамлар, айниқса, ёшлар жонли сўз таъсири билан яшайдилар.

Ойниса Мусурмонова, Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари:

— Ҳар бир шахснинг у ким, ёки қайси ёшда бўлишидан қатъи назар ўз ғояси, ўз фикри бўлади: киши ўзи англаб етган ҳақиқатидан унча-мунча таъсир билан воз кечолмайди. Демак, биз тарғиботчилар асосли ахборотларга эга бўлишимиз, қонунларни пухта ва мукаммал билишимиз зарур. Қонунларни билиш, уни шарҳлаб, тушунтириб бера олиш салоҳияти кишидан мунтазам ва изчил изланишларни талаб этади. Мана қаранг, сайлов бизнинг жамиятимиз фуқаролари учун сира янгилик эмас, сайлов ҳақида ёшу қари тасаввурга эга. Аммо ҳар бир сайловнинг ўзига хос бўлган янгича хусусиятлари бўлади. Бугунги жараён ўтказилажак сайловларнинг ҳам ана шу янгича хусусиятини одамлар онгида бўлишини талаб этмоқда. Қонун бузилишлари ғирром натижани бериши ҳаммага аён, сайловларда адолатли якун учун биз сайлов маданиятини тўлақонли ўзлаштириб олишимиз шарт.

Бу борада номзод танлашга ниҳоятда эътиборли бўлмоғимиз керак. Биз маълум бир хислатларни нисбий тарзда ҳисобга олмасдан, кўрсатаётган номзодимизнинг илмий, амалий, назарий, ғоявий қарашларимизни ҳимоя қила оладиган салоҳиятини кўзда тутмоғимиз зарур. Мен сайловларга тайёргарлик жараёнида хотин-қизлар масаласи алоҳида эътиборда тутилиши зарурлигига эътибор қаратишларингизни истардим. Қолаверса, аёл шаънини пок тутиш, уни жамият бошқарувига фаол олиб кириш сиёсати бугун жуда муҳим.

Вилоят партия ташкилотининг III конференцияси ишида ЎзХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А.Рустамов, вилоят ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Раҳимова сўзга чиқдилар.

Конференция иштирокчилари партия ташкилотининг бўлажак даврдаги асосий вазифаларини белгиладилар. Шунингдек, анжуманда вилоят партия ташкилоти раҳбар органлари сайланди.

Янги сайланган вилоят партия кенгашининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Унда Муҳаббатхон Абдуллаева вилоят партия кенгашининг биринчи котиби, Олимжон Камчибеков, Эргашали Абдуллаевлар вилоят кенгаши котиблари этиб сайландилар.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

---

# КАТТА СИНОВ АРАФАСИДА

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси Фарғона вилоят ташкилотининг III конференциясида бўлажак сайловлар катта синов эканлиги таъкидланди**

Ўтган беш йил давомида ЎзХДП таркибидаги йирик қисмлардан саналмиш Фарғона вилоят партия ташкилоти фаолиятида қандай ўзгаришлар юз берди? Вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётида жадал кетаётган ислоҳотлар, сиёсий жараёнларда партия ташкилотининг ўрни ва роли талаб даражасида бўлдими? Партиямиздан сайланган депутатлар Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашлар ишида қай даражада фаоллик кўрсатдилар?

Конференцияда ҳисобот маърузаси билан чиққан вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Муҳаммадали Исоқов юқоридаги ва партия ҳаётига оид бошқа масалалар хусусида батафсил гапирди.

— Маълумки, — деди маърузачи, — Юртбошимизнинг қатор маъруза ва нутқларида, оммавий ахборот воситалари ходимлари билан учрашувларида Ўзбекистондаги сиёсий партиялар фаолиятидаги мўртлик ва заифлик ҳолатлари ҳақида фикр ва мулоҳазалар билдирган эдилар. Очиғини айтиш керак, бу танқид вилоят партия ташкилоти ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларига ҳам тааллуқлидир.

Албатта, ортда қолган даврда ҳеч қандай иш қилинмади, дейиш ҳам ножоиз. Ўтган галги сайловлар натижасига кўра вилоятда 7 нафар номзод Олий Мажлис депутатлигига, 12 нафар номзод халқ депутатлари вилоят, 196 нафар номзод эса туманлар ва шаҳарлар Кенгашларига ХДП рўйхатидан сайландилар. Партия кенгашларида депутатларнинг ахборот ва ҳисоботлари тинглаб борилди. Олий Мажлис ҳамда вилоят Кенгашидаги қатор депутатлар ташаббуси билан бир нечта семинарлар ўтказилди.

— Гуруҳимиз аъзолари, — деди ўз нутқида Қўқон ўрмон хўжалиги бошлиғи, Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ХДП депутатлар гуруҳи раҳбари Мансур Хўжаев, — ўтган давр мобайнида сайловчилардан тушган 1000 га яқин ариза ва шикоятларни текширдилар. Жойларда қабулхоналаримиз ишлаб турибди. Сессияларда бир қатор амалий таклифлар билан чиқдик. Лекин кўпчилик туман, шаҳар Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари фаолиятидан, очиқ тан олиш керак, кўнгил тўлмайди. Гуруҳлар йиғилиши онда-сонда ўтади, депутатлик сўровларини ҳал этиш, сессиялар кун тартибига депутатлик гуруҳи ташаббуси билан масала киритиш, аввал киритилган таклифлар ижроси ва бошқа кўплаб масалалар ўлдажўлда қолиб кетган.

Гуруҳ раҳбарининг куюнганича бор: сайловлар ўтиб бўлиши биланоқ партия билан алоқани деярли узиб қўйган депутатлар ҳам топилади. Олий Мажлис ва вилоят Кенгашининг айрим депутатлари таклиф этилганларига қарамай на ХДП кенгашлари пленумлари, на бошқа тадбирларга қатнашади. Депутатлик фаолиятлари ҳақида партия кенгашлари олдида ҳисоб беришни ўзларига эп кўрмайдилар.

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топган кундан бошлаб Бувайда туман партия кенгашининг биринчи котибиман, — дейди делегат Эркин Хўжаев. — Партиямизнинг халқ орасидаги мавкеи ва обрўйи баланд. Бироқ бу галги сайловларга номзодлар танлашда шошма-шошарликка асло йўл қўйиб бўлмайди. Сайлолди ишларимиз ўта пухта ташкил этилиши керак.

— Бошланғич партия ташкилотлари фаолиятида сусткашлик мавжуд, — дейди вилоят «Нуроний» жамғармаси раиси Усмон Бегматов, — Мен ХДП вилоят кенгаши бюроси аъзоси сифатида ҳар доим жойларга чиққанимда БПТлар иши билан қизиқаман. Лекин, жадал ўзгаришлар жараёнида айрим БПТлар назаримда томошабиндай туюлади. Муаммоларни дадил кўтариб чиқиш, уларни ҳал этиш юзасидан аниқ, пишиқ-пухта таклиф ва талаблар киритиш кўринмайди.

Ҳисобот даврида вилоят партия кенгашининг 14 та пленуми, ижроия бюросининг 31 та йиғилиши ўтказилди. Уларда 225 та масала кўриб чиқилди. 125 та қарор назоратга олиниб, улардан 71 таси ижро этиб бўлингандан сўнг назоратдан чиқарилди. Ҳисобот даврида вилоятда ХДП аъзолари сони салкам 10 минг нафарга кўпайди. Бошланғич партия ташкилотлари сони 1450 тага етди. Шу билан бирга Ўзбекистон, Сўх туманларида ХДП аъзолари сони камайиб борганлиги ҳам таассуф билан айтилди.

Конференцияда, шунингдек, қатор партия кенгашлари ишчи аппаратларида кадрлар қўнимсизлиги авж олганлиги айтилди. Фарғона, Олтиариқ, Ёзёвон, Охунбобоев туманлари партия кенгашларида биринчи котиб лавозими 3-4 ойлаб бўш турганлиги, айниқса, ачинарлидир. Сафларида минглаб кишиларни бирлаштирган ташкилотда етакчилар ўрни бўш турганлигини қандай изоҳлаш мумкин?

Партиявий-сиёсий, мафкуравий ишларнинг асосий қисми оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда амалга оширилиши маълум. Вилоят кенгаши маҳаллий газеталар, телерадиокомпанияси билан яхши алоқа ўрнатган. Туман ва шаҳар газеталари жойлардаги ХДП ташкилотлари фаолиятини мунтазам ёритиб бормоқдалар. Лекин вилоят партия ташкилотининг ўз нашри йўқ. Шундай шароитда партиямиз марказий нашрлари — «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари ҳамда «Мулоқот» журналининг партиямиз ғоялари, мафкурасини кенг оммага етказишдаги роли беқиёсдир. Бироқ, ушбу нашрларга обуна уюштиришда жойлардаги партия ташкилотлари жонбозлик кўрсатмаяптилар. Сўх, Ёзёвон, Қува, Фарғона, Риштон, Бағдод туманларида партия нашрларига обунани ташкил этишда энг паст натижалар қайд этилди.

Маърузачи ва мунозараларда сўзга чиққанлар вилоят партия ташкилоти иш фаолиятида ижобий силжишлар борлигини таъкидладилар. Айни пайтда икки палатали парламент ҳамда маҳаллий Кенгашларга ўтадиган сайловлар арафасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, партиявий ишнинг янгича усул ва воситаларини тадбиқ этиш, халқ орасига дадил кириб бориш, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида кўп ва хўп ишлар қилиниши лозимлиги айтилди.

Конференцияда ЎзХДП Марказий Кенгаши котиби Собиржон Усманов сўзга чиқди.

Делегатлар вилоят партия ташкилоти фаолиятининг яқин даврга мўлжалланган устувор йўналишларини белгиладилар ва унинг сайланма органларини шакллантиришни ниҳоясига етказдилар.

●●●

**Конференциядан сўнг бўлиб ўтган ташкилий пленумда Муҳаммадали Исоқов ЎзХДП Фарғона вилоят кенгашининг биринчи котиби, Зиёдахон Абдуллаева иккинчи котиби этиб қайта сайландилар.**

**Алишер ИБОДИНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

---

# ТОШКЕНТ: ЯНА ИККИ ҚЎШ ҚАНОТЛИ ҚЎШМА КОРХОНА



(Давоми. Боши 1-бетда.)

**«Сағбон — Текстиль» — «Sag'bon — Tekstil»**нинг бунёд топишига шаҳардаги Собир Раҳимов тумани меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ҳимоя қилиш бўлими билан Туркиянинг «CEDAT TEXSTIL SAN. VE DIS TIS. LTD STI» компаниясининг яқин ҳамкорлиги сабаб бўлди дейиш, жоиз. Корхонанинг низом жамғармаси 1.650.000 АҚШ долларига тенг қилиб белгиланди. Бунинг 70 фоизини Ўзбекистон томони, 30 фоизини туркиялик сармоядорлар киритди. Эндиликда корхонада йилига 1,8 миллион дона трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш имкони туғилди.

**Гулбаҳор НАЗАРОВА, корхонанинг ёш ишчиси:** — Бу ерга яқин маҳаллалардан саралаб олинган 400 нафарга яқин хотин-қизлар орасида мен ҳам борлигимдан фахрланаман. Чет эллардан келтириб ўрнатилган мана бу мукаммал тўқув ва тикув машиналарида ишлаш одамга завқ берарди. Ҳукуматимизга раҳмат, Мустақилликкача қанча-дан-қанча аёллар, қизлар уйда ишсиз ўтирарди, энди эса касбкорли бўлиб, янги иш ўринлари билан таъминланди. Бу дегани, давлатимиз ҳам, рўзғоримиз ҳам манфаат кўради... Ўзбек хотин-қизлари тиккан буюмларни чет элликлар ҳам кўришсин, ҳавас қилишсин... Истиқлол бўлмаганда бу кунлар қайда эди...

❖❖❖

Муҳими шундаки, энг замонавий тўқимачилик ва тикув дастгоҳлари билан жиҳозланган ҳар икки қўшма корхонада аҳолининг иқтисодий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш йўлида «Ўзенгилсаноат» ДАКнинг 2004-2006 йилларга мўлжалланган инвестиция дастури режалари босқичма-босқич амалга ошмоқда. Чунончи, уларнинг ҳар иккисида ҳам кўпроқ маҳаллий хомашёдан импорт ўрнини босувчи ва халқаро андозалардаги экспортбоп, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Ҳар бирида 300 дан тортиб 500 тагача янги иш ўринлари яратилади. Бу — хусусан, аҳолиси зич жойлашган маҳаллаларнинг кўплаб хотин-қизлари ва ёшларини иш жойлари ҳамда янги касб-корлик билан таъминлайди, дегани.

Бу — қолаверса, мамлакатимиз ички бозорида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган сифатли маҳсулотлар кўпайиб, экспорт салоҳияти янада ошади ва пировардида, иқтисодиётимизда валюта тушуми кўпаяди, деганидир.

Зеро, мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Истиқлолда ўтган ўн уч йилки, жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш тенденцияларини диққат билан кузатаркан, Ўзбекистон иқтисодиётининг юқори ўсиш суръати, аҳоли турмуш тарзининг фаровонлашуви ва ишсизликнинг олди олиниши — жаҳон иқтисодиётига чуқур интеграциялашув асосида хорижий инвестиция ҳамда экспорт салоҳиятининг барқарор ривожланиши туфайли таъминланиши мумкин, деб муттасил таъкидлаб келадилар.

Бу жуда оқил ғоя, маъқул фикр, тўғри йўл!

**Номоз САЪДУЛЛАЕВ**

❖❖❖

**Суратларда:** «Шарқ модел» корхонаси чеварларидан бир гуруҳи; жамоа ишлаб чиқараётган маҳсулот намунаси.
**Ҳакимжон СОЛИҲОВ олган суратлар.**




# АСОСИЙ ҚОНУН ОДИЛ СУДЛОВ ҲИМОЯСИДА

**Мустақиллигимизнинг 13 йиллигига саноқли кунлар қолди. Бу азиз байрам арафасида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламдаги ислоҳотлар моҳияти ҳақида мушоҳада юритиш, қўлга киритилган ютуқлар, ўз навбатида мавжуд муаммолару келгусидаги вазифалар ҳақида мулоҳаза юритиш, хулосалар қилиш табиий ҳол.**

**Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раиси Мирзоулуғбек АБДУСАЛОМОВ билан бўлган суҳбат суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг самараси ўлароқ дунёга келган Конституциявий суд ва унинг жамиятдаги ўрни ҳақида.**

**— Мирзоулуғбек Элчиевич, гарчи Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди мамлакатимизнинг ҳуқуқий ҳаётида, хусусан, суд тизимида ўзига хос ўрин топган бўлса-да, фуқароларнинг мазкур идора ҳақидаги тасаввурлари ҳали тўла шаклланиб улгургани йўқ. Шунинг учун дастлаб Конституциявий суднинг ҳуқуқий асослари, вазифалари ҳақида тўхталиб ўтсангиз.**

— Ҳуқуқий демократик давлатнинг асосий белгиларидан бири мустақил суд ҳокимияти ҳисобланади. Мамлакатимиз суд ҳокимиятининг муҳим бўғини бўлмиш Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг асосий вазифаси Бош қомусимизда белгилаб берилган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ҳужжатларининг Конституцияга мувофиқлигини аниқлашдан иборат бўлиб, у ҳозирда мамлакатимиздаги энг муҳим янги сиёсий институтлардан биридир. Бир сўз билан айтганда, Конституциявий судни мамлакатимизнинг истиқлолга эришиши натижасида ташкил топган одил судлов институти десак, муболаға бўлмайди.

Конституциявий суд ва унинг фаолият йўналиши тўғрисида фуқароларимизда муайян қарашлар мавжуд бўлса-да, улар мазкур суд томонидан кўриб чиқилаётган масалалар ҳақида етарлича тасаввурга эга эмаслигининг асосий сабабларидан бири, менимча, Конституциявий судда кўриладиган масалаларнинг кўлами ва уларнинг ижроси билан боғлиқ ишларнинг тарғиботига бориб тақалади.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди мамлакатимиз тарихидаги судга оид биринчи конституциявий назорат органидир. Унинг ташкил этилиши Асосий қонунимизнинг муқаддимасида эълон қилинган «инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш...» мақсадига ҳамоҳангдир.

Конституциявий суднинг ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонунда, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Регламентида белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди юқорида айтиб ўтганимиздек, асосан қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўради.

Конституциявий суд сиёсат ва ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислар орасидан Конституциявий суд раиси, раис ўринбосари ва судьяларидан, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикасининг вакилидан иборат таркибда сайланади. Умумий судларнинг судьялари каби Конституциявий суд судьялари ҳам ўз фаолиятларида мустақилдирлар ва фақат Ўзбекистон Республикаси Конституциясига бўйсунадилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди:

1) Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларининг, ҳукуматнинг ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослигини аниқлайди;

2) Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради;

3) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари нормаларига шарҳ беради;

4) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан берилган ваколат доирасида бошқа ишларни ҳам кўриб чиқади.

Шуниси муҳимки, Конституциявий суднинг қарорлари матбуотда эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киради. Улар қатъий ва улар устидан шикоят қилиш мумкин эмас.

Фуқароларга аниқроқ тушунтириш мақсадида айтмоқчиманки, агарда юқорида тилга олинган ҳужжатларнинг бирортаси ёки улардаги меъёрлар Конституциямизга зид бўлса, бу ҳақдаги ишни кўриб чиққан Конституциявий суд уларнинг Асосий қонунга зидлиги тўғрисида қарор чиқаради. Яъни шу билан Конституцияга зид бўлган ҳужжат бекор қилинади.

Конституциявий суд қарорларининг матбуотда эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга кириши, қатъийлиги, улар устидан шикоят ёки протест киритиш, бирон-бир орган томонидан қайтадан кўриб чиқилиши ёки бекор қилиши мумкин эмаслиги мазкур суд мустақиллигининг муҳим кафолатларидандир.

«Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддасига мувофиқ, Конституциявий судда кўриб чиқиш учун масалалар киритиш ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери, Олий Мажлис Сенатининг Раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида тўртдан бир қисмидан иборат депутатлар гуруҳи, Олий Мажлис Сенати аъзолари умумий сонининг камида тўртдан бир қисмидан иборат сенаторлар гуруҳи, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, Олий хўжалик судининг раиси ва Бош прокурори эгадирлар. Шунингдек, масала Конституциявий суднинг камида уч судьяси ташаббуси билан ҳам киритилиши мумкин.

**— Фуқароларнинг ариза-шикоят билан Конституциявий судга мурожаат қилган ҳолатларига кўп бор гувоҳ бўлганмиз. Конституциявий судга фуқаролардан келиб тушган аризалар қандай ҳал қилинади?**

— Конституциявий судга давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар ҳам турли масалалар бўйича мурожаат этадилар. Лекин Қонунда Конституциявий суд кўриб чиқиши учун масала киритиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар доираси қатъий белгилаб қўйилган. Шунга қарамай, Конституциявий суд юридик ва жисмоний шахслардан, айниқса, фуқаролардан келган мурожаатларга алоҳида эътибор беради. Агар фуқаролар ўз мурожаатларида ҳал этиш Конституциявий суд ваколатига кирадиган масалани кўтарган бўлсалар, унда бу масалалар Конституциявий суд судьяларининг ташаббуси билан унинг мажлисига киритилади. Бошқа ҳолларда Конституциявий суд келган хатларни «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунга асосан тааллуқлилиги бўйича тегишли ташкилотларга юборади.

Ҳозирги пайтда Конституциявий судга жуда кўп аризалар, шикоятлар ва таклифлар тушмоқда, уларнинг сони кўпаймоқда. Шундай ҳужжатлар 1996 йилда 212 тани ташкил этган бўлса, 2003 йилда улар сони 500 тадан ортган. Бу ўз навбатида фуқароларимизнинг ҳуқуқий билим даражаси ошаётганлигидан далолатдир.

Лекин масаланинг муаммоли томони шундан иборатки, фуқаролар мурожаатларининг асосий мазмуни ноконституциявий қонунлар ёки қоидалар билан боғлиқ камчиликлар устидан эмас, балки амалдаги қонун ҳужжатларини ҳаётга татбиқ этишда йўл қўйилаётган камчиликлар ҳақидадир.

Фурсатдан фойдаланиб, шуни алоҳида ишонч билан айтишим мумкинки, Конституциявий судга фуқаролардан келган мурожаатлар шу вақтгача ҳеч эътибордан четда қолдирилмаган. Фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш Конституциявий суд девони томонидан олиб борилади. Мурожаатлар 5 кундан ошмаган муддатда ўрганиб чиқилиб, агар уни ҳал этиш Конституциявий суд ваколат доирасига кирмаса, муаллифга уларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари тушунтирилган ҳолда жавоб қайтарилади. Мурожаат тааллуқлилиги бўйича керакли ташкилотларга юборилади.

Конституциявий суд ўтган даврдаги фаолияти давомида, кўплаб хусусий тадбиркорлар, кичик бизнес субъектлари, банкларнинг омонатчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларни ҳам кўриб чиққан. Конституцияда белгиланган қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиб, кўплаб қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан Олий Мажлис ва бошқа идораларга таклифлар киритилди. Уларнинг аксарияти инобатга олинганлиги қувонарлидир. Суд томонидан чиқарилган энг муҳим тўхтамлар орасида фуқароларнинг уй-жой, ижтимоий таъминот, фуқаролик билан боғлиқ бўлган конституциявий ҳуқуқларини таъминловчи қарорлар ҳам бор.

**— Конституциявий суднинг халқаро миқёсдаги ҳамкорлиги тўғрисида ҳам тўхталсангиз?**

— Айтиш жоизки, мамлакатимизда конституциявий назоратнинг Европага хос модели қабул қилинган. Бу ҳол Конституциявий суд халқаро алоқаларининг йўналишини ҳам белгилайди. Россия, Чехия, Словакия, Украина, Арманистон, Грузия, Озарбойжон каби кўплаб давлатларнинг Конституциявий судлари, Германиянинг Федерал Конституциявий суди, Франция Конституциявий Кенгаши, Польша Конституциявий трибунали билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган. 1999 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Европа Конституциявий судлари Конференциясининг кузатувчиси мақомини олган. Кўплаб хорижий мамлакатлардаги ҳамкасбларимиз ўзаро тажриба алмашиш мақсадида Ўзбекистон Конституциявий судига ташриф буюрмоқдалар.

Мамлакатимизда самарали фаолият кўрсатаётган Германия Техник ҳамкорлик жамияти, Япониянинг JICA агентлиги, АҚШ Юристлар Ассоциацияси ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳам ҳамкорлигимиз ривожланиб бормоқда.

**— Конституциявий суд ўз фаолиятида оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилишга алоҳида эътибор бериб келмоқда. Конституциявий суд ташаббуси билан ислоҳотлар даврида суд-ҳуқуқ тизими ва ОАВнинг ўзаро ҳамкорлиги мавзуида мунтазам ўтказиб келинаётган конференция, семинар, мулоқотлар фикримиз далилидир. ОАВга бўлган бундай алоҳида эътиборнинг боиси нимада?**

— Президентимиз иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишларига тўхталиб, олтинчи устувор йўналиш сифатида суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш бўйича бошланган ишларни изчил давом эттириш лозимлигини алоҳида таъкидладилар.

Ушбу муҳим вазифани амалга ошириш мақсадида Президентимизнинг 2002 йил 30 сентябрдаги Фармойишига асосан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суд, Олий хўжалик суди, Бош прокуратура, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва бошқа идора, ташкилотлар иштирокида суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши муаммолари сингари мавзуларда семинарлар, конференциялар, давра суҳбатлари ўтказиш йўлга қўйилди.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида ислоҳотларни амалга оширишда, айниқса, суд ҳокимиятининг мустақиллигини мустаҳкамлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ҳар қачонгидан ҳам муҳимроқ. Чунки, жамиятда яшин тезлигида содир бўлиб турадиган янгиликлар, кўз илғамас хато ва камчиликлар, шунингдек, турли хилдаги иллатлар аввало оммавий ахборот воситалари ходимлари эътиборига тушади ҳамда улар орқали кенг жамоатчиликка етказиб турилади.

Яна бир муҳим жиҳатга эътиборингизни қаратмоқчиман. Асосий қонунимиз моҳиятини кенг оммага етказишда Конституциявий суд оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни устувор омил, деб ҳисоблайди. Тан олиш лозимки, Конституциямизни ўрганиш, унинг моҳиятини теран англаш йўлида эришилган барча ютуқларимизга қарамасдан, бу борадаги ишларимиз ҳали талаб даражасига етгани йўқ. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойишида назарда тутилган тадбирларни ҳаётга татбиқ этишда ҳали кўплаб ишларни амалга оширишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Қолаверса, кундалик ҳаётимизда эришилаётган ютуқларимиз, қилинаётган улкан ишларга Конституциямиз асос бўлаётганлигини оддий фуқаролар англаб етаяптими? Қимтинибгина раис ёки ҳокимнинг ҳузурида унинг «бўш вақти»ни кутиб ўтирган камтарин деҳқон «давлат идоралари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар» (2-модда) деган қоида Асосий қонунимизда қатъий белгилаб қўйилганлигини биладими?.. Бундай саволлар кўп. Шунга ўхшаш саволларнинг ижобий ечимини топишда оммавий ахборот воситаларининг кучидан унумли фойдаланиш олдимизда турган долзарб вазифалардан бир деб биламиз.

**— Мамлакатимиз илк бор икки палатали сайловларга тайёргарлик кўраётган бир пайтда Конституциявий суднинг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиги алоҳида аҳамиятга эга, деб ўйлайман. Зеро, сайловларнинг конституциявий асосларини, фуқароларнинг сайловга оид ҳуқуқ ва бурчларини айнан Асосий қонунимиз белгилайди. Шундай эмасми?**

— Тўғри, бўлажак сайловларнинг муҳим аҳамияти шундаки, давлатчилик тарихида илк бор икки палатадан иборат парламент ташкил этилади. Ҳозирги пайтда бўлажак сайловларни демократик асосда ўтказиш учун қизғин ташкилий-амалий ишлар бошланди. Ўз навбатида, сайловлар ва уларнинг конституциявий асосларини кенг оммага самарали етказиш бугунги куннинг долзарб вазифаси ҳисобланади.

Конституциявий суд ташаббуси билан Марказий сайлов комиссияси, Олий суд, Олий хўжалик суди, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси ҳамкорлигида Тошкент, Фарғона ва Қарши шаҳарларида бўлиб ўтган минтақавий конференциялар парламент сайловларининг конституциявий асослари ва уларни кенг оммага етказишда Конституциявий суд ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда оммавий ахборот воситаларининг вазифаларига бағишланди.

Жойларда, айниқса, қишлоқ аҳолиси ўртасида сайловларнинг конституциявий асосларини кенг тарғиб этишга мўлжалланган дастур ишлаб чиқдик. Марказий сайлов комиссияси билан Фарғона ва Қарши шаҳарларида ўтказилган тадбиримиз ана шу дастурда кўзда тутилган вазифалар бажарилишининг дебочаси, холос. Биз бундай минтақавий семинарларни бутун республикамиз бўйлаб, чекка қишлоқ ва овулларда ҳам давом эттиришни режалаштирганмиз.

Яна такрор айтаман, оммавий ахборот воситалари сайловларнинг моҳиятини кенг оммага етказишда устувор мавқега эга. Мамлакатимиздаги оммавий ахборот воситаларининг энг муҳим вазифаларидан бири бўлажак сайловларда сайловчилар учун танлаш имконини яратиб беришга кўмаклашиш, сайловларнинг ошкора ўтишига кўмак кўрсатишдан иборатдир. Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьялари ва ходимлари жамиятимизда қонун устуворлигини таъминлаш, Конституциявий тузум ҳимоясини кучайтириш йўлидаги фаолиятини янада самаралироқ ташкил этиш чора-тадбирларини кўриб бораверадилар.

**Рўзибой САИДОВ суҳбатлашди.**

## Олий Мажлис сессияси олдидан

**Олий Мажлиснинг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва тадбиркорлик масалалари қўмитаси раиси Муҳаммаджон УМАРАЛИЕВ билан мухбиримиз суҳбати қўмитанинг икки сессия оралиғидаги фаолияти ва сессия кун тартибига киритилган «Экспорт назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамасига қаратилди.**

# БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

**— Аввало, Олий Мажлиснинг навбатдаги ўн бешинчи сессияси муҳокамасига киритилган «Экспорт назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг аҳамияти ҳақида тўхталсангиз. Ушбу қонун лойиҳаси қандай заруратдан пайдо бўлди? У қандай муносабатларни тартибга солади?**

— Парламентнинг ўтаётган ҳар бир сессияси мамлакатимиз тарихида муҳим из қолдирмоқда. Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг ўн бешинчи сессиясида ҳам бир қанча қонун лойиҳалари ва ҳужжатлар депутатлар муҳокамасига қўйилган. Дарҳақиқат, сессия кун тартибидаги асосий масалалардан бири сифатида «Экспорт назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳасини айтиш мумкин.

Ҳозирги кунда дунё глобаллашув жараёнини бошдан кечирмоқда. Мазкур қонун ҳам аввало ана шу жараёнлар силсиласида вужудга келди. Масалан, экспорт назорати ҳар бир давлатнинг миллий қонунчилигига татбиқ этилишидан кўзланган асосий мақсад шуки, у оммавий қирғин қуроллари тарқалиб кетишининг олдини олади. Халқаро ва миллий хавфсизликни таъминлаш ҳамда давлатнинг барқарор тараққиёти учун лозим бўлган ишончли омилларни ҳаётга татбиқ этишда унинг ўрни муҳимдир. Шу боисдан, экспорт назорати институтининг жорий этилиши, биринчи навбатда, ўша давлатнинг оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик ҳаракатига якдил аъзолигидан дарак беради. Қолаверса, экспорт назорати объектларининг ҳаракатини тартибга солиб туради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо фаолиятини эркинлаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органлари томонидан бериладиган Махсус товарлар рўйхати белгилаб қўйилган. Мазкур рўйхат илмий-тадқиқот изланишлари, ноу-хау ҳамда кашфиётлар натижалари экспортини ўз ичига олар эди.

Бироқ, шу пайтгача миллий қонунчилигимиз тизимида экспорт назоратини амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиб турувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни умумлаштирадиган махсус қонун ҳужжати қабул қилинмаганди. Айнан ана шу муаммони ечиш мақсадида Олий Мажлис сессияси кун тартибига «Экспорт назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳаси киритилмоқда. Шуни алоҳида қайд этиш керак: лойиҳани тайёрлашда бутун халқ иштирок этди. Лойиҳа умумхалқ муҳокамасига ташлангандан сўнг лойиҳа бўйича юзлаб таклиф ва мулоҳазалар тушди. Улар қўмита томонидан умумлаштирилди. Қонун лойиҳаси халқаро экспертлар муҳокамасидан ўтди.

**— Қўмитанинг икки сессия оралиғидаги фаолиятида асосий йўналиш нимадан иборат бўлди?**

— Сессиялар оралиғида қўмитамиз назорат-таҳлил фаолиятига алоҳида эътибор қаратди. Бу соҳада биз нафақат қонунларнинг бажарилиши, балки қонунлар қай даражада бажарилаётганлигини ўрганишни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Шу йилнинг 30 июль куни Иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва тадбиркорлик масалалари қўмитаси томонидан «Товар бозорида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги қонуннинг Хоразм вилоятидаги ижросига бағишланган сайёр йиғилиш ташкил этилди.

Қонун ижросини ўрганиш жараёнида вилоятда маълум камчиликларга йўл қўйилгани аниқланди. Масалан, ўтган йил ўтказилган текширишлар натижасида 49 та, жорий йилнинг олти ой давомида эса 33 та хўжалик субъектининг ўз мавқеини суиистеъмол қилиш ҳолатлари қайд этилган. Ўтган йил 8 та, 2004 йилнинг олти ойи давомида 5 та корхонанинг бошқарув органлари ёки юқори ташкилот буйруғи билан акциядорлик жамияти фаолиятига аралашиш ҳолатлари рўй берган.

Шу билан бирга қўмита қонунчилик жараёнини такомиллаштиришга бағишланган бир қатор тадбирлар, жумладан, бошқа қўмиталар томонидан тайёрланган қонун лойиҳаларини муҳокама қилишда фаол қатнашди ва ўз хулосаларини тақдим этди.

Шунингдек, қўмитага республикамизда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар, кичик бизнес вакилларидан айрим корхона, ташкилотлар ва назорат органлари томонидан ноўрин аралашув натижасида уларнинг қонуний манфаатлари бузилаётганлиги ҳақида мурожаатлар ҳам келиб турибди. Қўмита ушбу мурожаатларни атрофлича ўрганиб чиқиб, тегишли чораларни амалга ошириш ва йўл қўйилган камчиликларни баратаф этиш учун мутасадди ташкилотларга ўз тавсиясини юбориб, ижросини назоратга олмоқда.

**Суҳбатдош: Маъмуржон ҚИЁМОВ**

## Обод маҳалла — мамлакат кўрки



# МЕҲР МАСКАНИ

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги «Туркистон» маҳалласида 6200 киши истиқомат қилади. Бу ердаги 45 та кўп қаватли уй ва 115 та ҳовлида яшаётганларнинг ҳар бири фуқаролар йиғини эътиборида. Уларнинг соғлиғи, иқтисодий аҳволи, ташвиш-ўйлари ўртада. Маҳаллада ўтган даврда 2 ёшгача бўлган фарзанди бор аёлларга, ёрдамга муҳтож қарияларга ҳамда уруш ва меҳнат фахрийларига бир ярим миллион сўмликдан зиёд кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари ва шифохона-санаторий учун бепул йўлланмалар берилди.

— Маҳалла маъмурияти фақат давлат томонидан ажратилган ёрдам ва нафақа пулларига қараб тургани йўқ. Шу кунгача ҳомийларимиз бўлган ҳудудимиздаги хусусий корхоналар «Хазора-савдо», «Хуросон баҳори», «Раупхон» АЖ ва бошқалар томонидан тўпланган 800 000 сўм маблағ кам таъминланган оилаларга тарқатилди. Шунингдек, маҳалламизда кутубхона ташкил этиш мақсадида «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик жамиятига мурожаат қилган эдик. Улар бу ташаббусни қўллаб, бизга 200 000 сўмлик турли хилдаги китоблар ҳадя қилишди. Биз уларни маҳалланинг маънавият ва маърифат хонасига жойлаштирдик, ундан ёшу қари бирдек фойдаланмоқда, маънавий озуқа олмоқда. Аҳоли соғлиғини яхшилаш йўлида ҳамда уларга қулайлик яратиш мақсадида маҳалла гузаридан ўрин ажратиб, 26-оилавий поликлиника маъмурияти билан келишган ҳолда тиббиёт пункти очдик. Уни зарур тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозладик. Фарзанд тарбиясида мактаб, маҳалла ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган. Маҳалламиз болалари таълим-тарбия олаётган 21-ўрта мактаб ўқитувчилари билан маданий, маърифий тадбирларни ҳамкорликда ўтказяпмиз. Болажонларимиз учун маҳалламиз қошида Ўзбекистон Киокушинкай каратэ федерацияси билан ҳамкорликда каратэ клуби фаолият кўрсатади. Уни истеъдодли спортчи Рашид Толипов бошқармоқда. Бугунги кунда бу ердан умидли спортчилар етишиб чиқмоқда. Клуб аъзоси Сардор Раҳимхўжаев (1993) 2002-2003 йилда Тошкент шаҳар очиқ чемпионатида 1-ўринни, 2004 йилда Ўзбекистон чемпионатида 1-ўринни, яна бир ёш каратэчимиз Достон Омонов (1993) эса худди шундай мусобақаларда II ўринни қўлга киритиб, маҳалламиз фахру ғururига айланди. Келажакда бу ёшлар республикамиз номини дунёга таратишини истаймиз, — дейди маҳалла раиси Омон Норхўжаев.

Шунингдек, маҳаллада қад ростлаган оталар чойхонаси, сартарошхона, новвойхона, тикувчилик цехи аҳолига зарур хизматларни кўрсатмоқда.

**Зайниддин МАМАДАЛИЕВ**



**Суратларда:** маҳалла фаолиятидан лавҳалар.

**Шавкат АКРАМОВ олган суратлар.**


## «МИРОБОД ДЕҲҚОН БОЗОРИ»

**очиқ акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!**

Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий мажлиси 2004 йил 4 сентябрь соат 10.00 да жамият маъмурияти биносининг мажлислар залида бўлиб ўтади.

Акциядорларни рўйхатга олиш шу куни соат 9.00 да бошланади.

**МАЖЛИС КУН ТАРТИБИ:**

1. «Миробод деҳқон бозори» ОАЖ директорини сайлаш.
2. Жамиятнинг 2004 йил иш режа (бизнес плани)ни тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2004 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг янги таҳрирдаги Низомини тасдиқлаш.

**Кузатув кенгаши**

*Ислоҳот ва масъулият*

# БУГУНГИ ЮМУШЛАР — ЭРТАНГИ ЮТУҚЛАР КЎЗГУСИ

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАГИ ПАХТА ТОЗАЛАШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ МАСКАНЛАРИ ЯНГИ МАВСУМГА ШАЙ

Ҳар йилгидек бу йил ҳам деҳқонлар учун осон бўлмади. Тўғри, баҳор эрта келди, кунлар исиб кетди. Аммо, апрель ойи ўрталарида икки кун давом этган сел-ёмғир деҳқончиликка катта зарар келтирди. Кўп туманлардаги ширкат ва фермер хўжаликларида кетма-кет қайта экишлар кечди. Бир туп ниҳолни ундириб олиш учун одамлар кунни тунга улаб меҳнат қилдилар. Ҳар тупдан кўзланган ҳосилни юзага чиқариш учун ота-боболаримиз тажрибаларига таяниб, ғўза қатор ораларига комплекс ишлов берилди: озиқлантирилди, суғорилди, культивация қилинди.

Республика пахтакорлари, механизаторлари август ойини ҳосил тўплашнинг ҳал қилувчи зарбдор ойи, деб фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Зеро, пахта йиғим-терими бошланадиган кунлар ҳам тобора яқинлашиб келмоқда. Биз деҳқонлар ва механизаторларнинг ёз бўйи пешона тери меҳнати эвазига етиштирилган ҳосилни қабул қилиб олишга қандай тайёргарликлар кўрилаётганлиги ҳақида шарҳлаб бериш учун **«Қорақалпоқпахтасаноат» ҳиссадорлик бошқармаси раиси Баҳром ҚЎШАНЕЕВ**га мурожаат этдик:

— Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилашда янги технологияларга ўтганимиз яхши самара бермоқда, — дейди у. — Бирлашмамизга қарашли корхоналарда белгиланган шартномавий режалар ўтган йили ошириб бажарилди. Баъзи бир табиат қийинчиликларига қарамасдан маҳсулот сифатини бирмунча яхшилашга эришилди. 78 минг 178 тонна пахта қайта ишланди, тола чиқиши 32,1 фоизни ташкил этди. Ҳозир қорақалпоқ толаси АҚШ, Буюк Британия, Франция, Швеция, Жанубий Корея каби ўнлаб хорижий давлатларга экспорт қилинмоқда. Маҳсулот сифати ва унумдорлигини таъминлаш мақсадида 9 та пахта тозалаш заводининг ҳаммасида мукаммалаштирилган технология бўйича реконструкция ва қайта таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Шу йилнинг январь-июнь ойларида 2003 йил пахта ҳосилидан 34 минг 510 тонна пахта қайта ишланиб, ундан 14 минг 573 тонна тола олинди. Тола чиқимдорлиги 33,5 фоизга бажарилди. Келгусида бундан-да баландроқ натижаларга эришиш ниятимиз бор.

Бирлашмамиз корхоналарида бу йил 176 минг тонна пахта қабул қилиб олинади. «Манғит» пахта тозалаш заводида шу йилнинг биринчи ярмида 11 минг 250 тонна пахта қайта ишланди ва ундан 3 минг 801 тонна пахта толаси олинди. «Элликқалъа» пахта тозалаш заводида 3 минг 628 тонна пахта қайта ишланиб, 1225 тонна пахта толаси олинди. Жорий йилда эса қайта ишлаш миқдори олдингига кўра ортиқроқ бўлади. Жумладан, Беруний пахта тозалаш заводи бу йил камида 27 минг 36 тонна пахта қабул қилиб олади...

Ҳа, бу йил юқорида номлари келтирилган барча пахта тозалаш заводларида хомашёни сифатли қабул қилиб олиш ва қайта ишлаш мақсадида капитал таъмирлаш ишлари жадал олиб борилди. Ишлаб чиқаришдан чиққан чигитни қайта ўлчаш учун замонавий компьютерлаштирилган электрон тарозилар ўрнатилмоқда. Улар вақтдан, ишчи кучи ва транспортдан фойдаланишни анча ихчамлаштиради. Шунингдек, пахтани тола ва чигитга ажратувчи — «Джин», чигитдан момиқ ажратувчи — «Линтер» агрегатлари ҳам мавсумга шай. 9 та пахта тозалаш корхонаси ва 42 та пахта қабул пунктлари тўлиқ таъмирланди. 65 дона автотарозилар давлат кўригидан ўтказилди. Хомашёни қабул қилишда фойдаланадиган лаборатория асбоб-ускуналари ва пахта намлигини аниқлаш учун 63 дона ВХС — 1м, ифлослигини аниқлаш учун 80 дона ЛКМ, навини аниқлаш учун эса 57 дона ЛПС-4 ускуналари таъмирлаб қўйилди. Хуллас, қорақалпоғистонлик пахта тозаловчилари янги пахта йиғим-терими мавсумини катта тайёргарлик билан кутиб олишаяпти.

**Реймбой ЕШИМБЕТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**



## ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТЛАР БЕРИЛМОҚДА

Фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқи муҳофазаси — ҳуқуқий давлат барпо этишнинг асосий шартларидан ҳисобланади. Тошкент Давлат юридик институти қошида аҳолининг кам таъминланган қисмига бепул ҳуқуқий маслаҳат бериш ва талабаларда бу ишга дахлдор амалий кўникмаларни шакллантириш мақсадида юридик клиника ташкил этилганди. Бугунги кунда у фуқаролар муаммоларини ҳал этиш йўлида фаолият кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, институт ва юридик клиника маъмурияти ташаббуси билан республика Адвокатлар ассоциацияси ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланди. Унга асосан, ассоциация томонидан тайинланган адвокат ҳар куни юридик клиникага келиб, талабаларга мижозларни қабул қилиш ва маслаҳат бериш услубларини ўргатмоқда. Талабалар ҳам ўз навбатида тенгдошларига ҳамда бошқа фуқароларга ҳуқуқ ва бурчларини англашида кўмак бермоқдалар.

**Отабек НАРЗИЕВ,**
**ТДЮИ талабаси**

✧✧✧

**Суратда:** юридик клиника аъзолари мижозга маслаҳат беришмоқда.

# «13-КЎПРИК ҚУРИЛИШ ОТРЯДИ»НИНГ

## АҲИЛ ЖАМОАСИ

**серқуёш Ўзбекистон халқини энг улуғ,**
**энг азиз, қутлуғ байрам —**
**мамлакатимиз Мустақиллигининг**

## 13 ЙИЛЛИГИ

**муносабати билан самимий қутлайди.**



***Мустақиллик йилларида жамоамиз катта ва кенг миқёсда улкан ишларни амалга оширди. Бажарган ишларимиз сифатига келсак, жаҳон андозаларидан асло қолишмайди.***
***Жамоамиз аъзолари бир тан, бир жон бўлиб халқимизнинг обод ватан қуриш йўлидаги олижаноб саъй-ҳаракатларига кўпроқ ҳисса қўшиш учун бутун имкониятларини сафарбар этмоқда.***
***Мустақиллик бизга ўз кучимизга, ўз имкониятларимизга ишонч бағишлади. Биз эса унга жўшқин меҳнатимизни бағишлаймиз.***
***Озод ва ҳур Ватанимиз янада гуллаб-яшнасин, ҳар бир хонадондан фаровонлик, қут-барака аримасин!***



*Улуғ байрам муборак бўлсин, азиз юртдошлар!*



**31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш куни**

# БИР ҚОНЛИ БЕДОДЛИК ТАРИХИ

### V. УЧЛИКНИНГ ИШИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ.

1. Республика, ўлка ва вилоят учликларининг шахсий таркибини тасдиқлайман: (шу ўринда барча республикалар, ўлкалар ва вилоятлар бўйича учликларнинг таркибини келтиришни лозим топмадик. Гап шундаки, бу рўйхат биринчидан катта ўринни олади, қолаверса, учликка киритилган раҳбарларнинг аксарият кўпчилиги кўп ўтмай ҳибсга олиниб, отиб ташланган. Хусусан, Ўзбекистонда фаолият кўрсатган учликнинг икки аъзоси — Акмал Икромов ва Болтабоевнинг ўзлари ҳам буйруқ қабул қилинганидан сўнг кўп ўтмай қатағон қурбонига айланган. Учлик раиси Загвоздиннинг тақдири эса номаълум.— *муаллиф*)

2. Учликнинг мажлисида (учлик таркибига киритилмаган жойларда) республика, ўлка ва вилоят прокурори иштирок этиши мумкин.

3. Учлик ўз ишини тегишли НКВД, УНКВД ва НКВДнинг область бўлимлари жойлашган ҳудудда ёки оператив секторлар жойлашган манзилда олиб борадилар.

Учлик ҳар бир қамоққа олинган шахс ёки қамоққа олинган гуруҳ ҳамда сургун қилиниши лозим бўлган оила бўйича тақдим қилинган материалларни алоҳида кўриб чиқади.

Учлик материалларнинг хусусиятидан ёки қамоққа олинган шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасидан келиб чиқиб, иккинчи тоифа бўйича қатағон қилиниши мўлжалланган шахсни биринчи тоифага ёки биринчи тоифа бўйича қатағон қилиниши мўлжалланган шахсни иккинчи тоифага ўтказиши мумкин.

Учлик ўз мажлисининг баённомасини юритади ва ҳар бир маҳкум бўйича чиқарилган ҳукмни ушбу баённомада қайд этади.

Учликнинг қарори тезкор гуруҳ бошлиғига ҳукмни ижро қилиш учун жўнатилади. Тергов ишига ҳар бир судланган шахсга таааллуқли қарорнинг кўчирмаси тикилади.

### VI. ҲУКМНИ ИЖРО ЭТИШ ТАРТИБИ

Ҳукм учликнинг раиси, яъни НКВД республика халқ комиссари, НКВД область бошқармаси ёки бўлими бошлиғининг кўрсатмасига биноан белгиланган шахслар томонидан ижро этилади.

Ҳукмни ижро этиш учун — ҳукмни ижро қилувчи шахсга топширилган ҳар бир маҳкум устидан чиқарилган ҳукм баёни келтирилган учлик йиғилиши қарорининг тасдиқланган кўчирмаси ҳамда учлик раиси томонидан имзоланган махсус кўрсатма асос бўлади.

Биринчи тоифага мансуб табақалар устидан чиқарилган ҳукм НКВД республика халқ комиссарлари, вилоят бошқармалари ёки бўлимлари бошлиқлари томонидан белгиланган жойларда, ҳукмни ижро этишнинг вақти ва жойи тўлиқ маҳфий сақланган ҳолда амалга оширилади.

Ҳукмнинг ижро этилгани ҳақидаги ҳужжат алоҳида конвертда судланган шахснинг тергов ишига тиркалади.

Иккинчи гуруҳ бўйича судланганлар СССР НКВДси томонидан ГУЛАГга белгилаган тақсимот бўйича лагерларга жўнатилади.

### VII. ОПЕРАЦИЯНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШГА РАҲБАРЛИК ВА ҲИСОБ-КИТОБ

Операцияга умумий раҳбарлик қилишни ўринбосарим — Давлат хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғи, корпус командири ўртоқ Фириновскийга юклайман.

Учлик ҳукмининг ижро этилиши тўғрисидаги қарори зудлик билан СССР НКВД Давлат хавфсизлиги бош бошқармасининг 8-бўлимига № 1-формага асосан ҳисоб варақасига илова қилиб жўнатилсин,

2. Биринчи тоифа бўйича судланганларнинг қарори билан биргаликда ҳисоб варақаси ва тергов иши қўшиб жўнатилсин.

Операциянинг бориши ва натижалари тўғрисида ҳар ойнинг ҳар беш кунида 1, 5, 10, 15, 20 ва 25 кунлари телеграф ва почта орқали батафсил ҳисобот жўнатилсин.

4. Операция жараёнида янгидан фош қилинган аксилинқилобий ташкилотлар, кўнгилсиз воқеалар, чегарадан ўтиб кетиш, босқинчилар ва талончилар тўдаларининг ташкил этилиши ва бошқа фавқулодда ҳодисалар бўйича телеграф орқали дарҳол хабар қилинсин.

◇◇◇

Операцияни ташкил этиш ва ўтказиш пайтида қатағон қилинадиганларнинг яширин ҳолатга ўтиши, турар жойидан қочиб кетиши, айниқса, хорижга чиқиб кетиши, босқинчилар ва талончилар тўдаларининг ташкил этилиши сингари кутилмаган ҳодисаларга йўл қўйилмаслиги учун барча чоралар кўрилсин.

Фаол аксилинқилобий ҳаракат содир этилишига оид ҳаракатлар зудлик билан фош этилсин ва олди олинсин.

**ССР Иттифоқи Ички ишлар Халқ Комиссари Давлат Хавфсизлиги Генерал Комиссари Н. Ежов**

◇◇◇

Тилда инсоннинг эрки, ҳуқуқи, бахти-саодатини ҳимоя қилишга, таъминлашга, энг ёрқин, адолатли ва фаровон келажак яратишга ваъда қилган Коммунистик мафкуранинг, шўро сиёсатининг асл башарасини — қонхўр ва ғайриинсоний қиёфасини очиқ-ойдин намоён қиладиган бу мудҳиш ҳужжат етмиш беш йил давомида халқ бошида қатл қиличини ўйнатган тузумнинг биттагина акс-садоси, холос.

Ҳолбуки, унгача ҳам, ундан кейин ҳам ёзма ва оғзаки шаклда берилган буйруқлар ва кўрсатмалар беҳисоб, тўкилган қонлар, топталган қисматлар беадад.

1917 йилдан то 1937 йилгача бепоён Россияда, унинг таркибига зўравонлик ва босқинчилик билан қўшиб олинган юртларда ўз миллатининг эрки, тупроғининг озодлиги учун бош кўтарган, инқилобчиларга қарши курашган минг-минглаб кишиларнинг ёстиғини қуритган оқ террор-қизил террорларнинг бевосита давоми бўлган навбатдаги қатағоннинг машъумлиги шундаки, у йигирма йил давомида кураша-кураша, охири тақдирга тан берган, шўро тузумининг ҳам қисмат эканига иқрор бўлган, қасос қиличларини синдириб ташлаб, янги замон хизматига баҳоли қудрат бел боғлаган, оиласи бағрида тинчгина яшаётган ёки қамоқ ва сургунларнинг адоғини кутаётган кишиларнинг орзу-умидларини кўкка совуришга қаратилган эди.

Сталиннинг фатвоси билан тайёрланган юқоридаги буйруқ шамол бағридаги шамдек беҳол милтираётган умидларни елга совурди. Қатағон янги куч билан авжга минди ва ўзининг домига янги-янги жонларни тортди.

Табиийки, биринчи тоифага мансуб, яъни «учлик» томонидан нари - бери суд қилиниб, отиб ташлашга маҳкум қилинганлар, аниқроғи, тақдири аллақачон ҳал қилиб қўйилганлар рўйхатининг бошида Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир, Боту, Исҳоқхон Ибрат сингари миллатнинг сара фарзандлари турарди. Бугунги кунда ушбу рўйхатни давом эттириш, дастлабки пайтда фақатгина Ўзбекистон бўйича биринчи тоифага киритилган етти юз эллик кишининг, сўнг иккинчи тоифадан биринчи тоифага ўтказилиб, қатл этилганларнинг руйхатини батафсил келтириш ҳам мумкиндир. Лекин, бу билан мудҳиш даврнинг қора қилмишига нуқта қўйиб бўлмайди.

Ўша буйруқ оммавий қирғинни қайтадан бошлашга бир туртки бўлган холос. Такрор бўлса ҳам айтиш жоизки, ежовчилар буйруқда белгиланган етти юз эллик кишини ўлимга ҳукм этиб, тўрт минг кишини қамоққа олиш, сургун қилиш билан кифояланиб қолишмаган. Жон-жаҳдлари билан «халқ душманлари»нинг «дум»ларин топишга ва йўқотишга киришганлар. Қора рўйхатга тушганларнинг отаси-онаси, акаси-укаси, опасисинглиси, фарзандларидан тортиб тоға-жияни-ю, таниш-билишларигача ўзлари билмаган ҳолда «дум-га» айланиб қолаверган ва гуноҳларининг нима эканини англамасдан «инсонпарвар» жамиятнинг қонли чангалига тушаверган.

Оқибатда, 1937-1939 йилларнинг ўзидагина Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг «учлик»лари томонидан 41 минг нафардан кўпроқ киши қамалди. Шулардан 37 минг нафардан кўпроғи судланди, 6 минг 920 киши отиб ташланган...

◇◇◇

Тўрт йилдирки, Президентимиз И.А. Каримовнинг ташаббуслари билан энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик куни арафасида, яъни 31 август куни қатағон қурбонларини ёд этиш яна бир эзгу анъанага, миллий удумга айланди.

Бунинг теран рамзий маъноси бор. Биз умумхалқ шодиёнасини бошлашдан олдин халқимизнинг эрки ва озодлигини орзулаган, шунга интилган, шу йўлда курашган ва азиз жонларини қурбон қилган минг-минглаб фидойи инсонларни хотирлаб, жасорати қошида бош эгамиз. Оғир жудоликнинг теран қайғуси юракларимизни ўртаган кездагина ИСТИҚЛОЛнинг асл қимматини англаймиз, ҳис этамиз. Мана шу туйғунинг ўзи ҳам беадад қонлар ва қурбонлар эвазига мустабид тузум даврида чекилган азоб ва уқубатлар, таҳқир ва маломатлар сўнгида эришган бебаҳо бахтимиз, муқаддас бойлигимиз — Миллий мустақиллигимизни кўз қорачиғидек асрашга даъват этади.

**Бахтиёр РИЗО**

*(Охири. Боши ўтган сонларда)*

# САМАРҚАНДДА ХОТИРА БОҒИ



Шаҳардаги қаровсиз ёдгорлик майдонида қайтадан бунёдкорлик ишлари бошланди. Бу ерда Хотира боғи ва мотамсаро она ҳайкали тикланяпти. Самарқандлик ва пойтахтдан келган тажрибали мутасаддилар ушбу юмушларни аллақачон бажаришга киришдилар.

«Динамо» ўйингоҳи ва «Нуроний»лар чойхонаси ёнидаги қарийб бир гектардан зиёд майдонда тез кунларда ажойиб зиёратгоҳ барпо этилади. Майдоннинг икки томонида иккита миллий услубда айвон қурилиб, улардаги ўнта бўлмага II жаҳон уруши жангоҳларидан қайтмаган самарқандликлар исми-шарифлари ёзилган мармар лавҳалар ўрнатилади. Айвонлар тепаси миллий меъморчилик услубида безатилади ва 34 та ўймакорлик услубида яратилган устун ўрнатилади. Узунлиги 7 метрлик асосий кириш йўлаги мотамсаро Она ҳайкали пойига олиб боради.



Ҳозир бу майдонда бош пудратчи — 2-механизациялашган кўчма жамланма жамоаси қурувчилари катта бунёдкорлик ишлари олиб боришяпти.

— Мажмуани 18 октябрь — Самарқанд шаҳри кунигача қуриб битказамиз, — дейди вилоят ҳокимлиги инжиниринг компанияси раҳбари Баҳодир Худойбердиев. — Байрам шодиёналари насиб этса шу муқаддас зиёратгоҳдан бошланади...

**Абдуғани СОДИҚОВ**

◇◇◇

**Суратларда:** қурилиш майдонидан лавҳалар.
**Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.**

TURON BANK

Акциядорлик тижорат
«ТУРОНБАНК»
жамоаси
Ўзбекистон халқини, акциядорлари ва ҳамкорларини
Ватанимиз Мустақиллигининг
13 йиллиги
билан самимий муборакбод этади.

Ушбу қутлуғ ва қувончли онларда Сизларга бахт-иқбол, оилангизга тинчлик-тотувлик, хонадонингизга қут-барака, азиз Ватанимиз равнақи йўлидаги меҳнатларингизда муваффақиятлар тилайди.



**2004 йил — Меҳр ва мурувват йили**

# БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР...

## ЁКИ ЖИЗЗАХ ШАҲРИДАГИ МИРЗО УЛУҒБЕК НОМЛИ МАҲАЛЛАНИНГ БИР КУНЛИК ҚУВОНЧУ ТАШВИШЛАРИ ҲАҚИДА

Маҳалла ҳаёти ҳақида ёзиш ниятида уфқ ёришар-ёришмас шаҳардаги ўттиз икки маҳалланинг бири томон шошилдим. Афсуски, қанчалик барвақт ҳаракат қилмайин, кечикибман. Маҳалла ҳудудига қадам қўйганимда кўчаларда одамлар қатнови аллақачон бошланиб кетганига гувоҳ бўлдим. Биров ишга, биров ўқишга шошилади. Ҳовлиларнинг дарвозалари очиб қўйилган. Дарвозахоналар, уйларнинг теварак-атрофи супириб-сидирилган. Ораста йўлак бўйлаб мен томон келаётган, оппоқ соқоли ўзига ярашиб тушган отахон эътиборимни тортди. Салом-аликдан сўнг у кишидан маҳалла идорасини сўрадим.

— Сўраганнинг айби йўқ, ўзингиз ким бўласиз? — қизиқсинди отахон. Мухбирлигимни билгач, чеҳраси ёришиб кетди.

— Шундоқ демайсизми? Юринг, ўзим сизни олиб бораман. Раисимиз билан таништириб қўяман.

Оқсоқол билан гурунглашиб бораяпмиз. «Барака топкур, зап раисимиз борда. Исми — Раҳматилло, шарифи — Бозоров. Ўзиям тилла йигит. Бир жойда хотиржам ўтирганини кўрмайсиз. Гоҳ ҳокимликда, гоҳ маҳалладаги мактаб ёки боғчада, бир қарасангиз хонадонларда. Ҳар доим бир ташвиш, безовталик билан юради. Ташвишки, элники, маҳаллада яшовчи катта-кичикники. Ахир, бир рўзғорда қанча кам-кўст бўлади-ю, бутун маҳаллага бош бўлиш осонми? Буни қаранга, Хизрни йўқласак бўларкан-у, ана, ўзлариям келаяптилар».

Ҳаракатлари чаққон, ўрта ёшлардаги, истарали киши биз билан сўрашди. Отахон иккаламизни таништирган бўлди.

— Хуш кўрдик, меҳмон, — лутф қилди раис. — Хўп десангиз кун бўйи бизга шерик бўласиз, сўнг кўрган-билганларингизни ёзаверасиз.

Рози бўлдим.

— Кеча десангиз, бир маҳалладошимиз ичиб келиб, уйида жанжал кўтарибди. Келин кетиб қолганмиш. Шунга сиз билан бориб, иккаласини яраштириб қўйсак, деган дим.

Гурунглаша-гурунглаша айтилган хонадонга етиб келдик. Айрим мулоҳазалар билан қаҳрамонимиз исмини ошкор қилмаяпмиз.

Дарвоза олдида ўйнаб ўтирган қизалоқ бизни кўриб ичкарига кириб кетди. Зум ўтмай 35-40 ёшлар чамасидаги кишини бошлаб чиқди.

— Ҳа, ука, аҳволларинг яхшими? Бош қалай, бош? Оғримаяптими ишқилиб? — Ҳол сўраган бўлди отахон.

— Бошгаку чидаса бўлади, лекин кеча кайфчиликда келинингизни хафа қилиб қўйибман... аразлаб, отасиникига кетворибди. Энди... болалар билан чувалаш-и-и-б ўтирибман.

— Ҳозир келинникига борамиз. Келади. Аммо, сен ҳам бўлди қил-да энди. Ҳадеб зормандани ичаверасанми. Бу аҳволда рўзғорингдан барака қочадия, ўғлим.

— Ҳар гал ичмайман дейману, лекин...

— Кўнгли бўшлик қилмагинда. Ичмасанг, ўзингга фойда. Оиланг тинч, турмушинг файзли бўлади. Одамлар ҳам гапираяпти. Шу кетишда бўлса, бир-икки йилдан сўнг маҳалла-кўйда юришингнням ўйла.

— Бўлди. Шуниси охиргиси. Сизлардан илтимос, хотинимга айтинглар, келсин, болаларига бош бўлсин... Кечирим сўрашга тайёрман.

Келинга ва унинг ота-онасига вазият оила тақдири тушинтирилди, маслаҳатлашилди. Ёрдамга муҳтож одамни ўз ҳолига ташлаб қўйсак, оқибати яхши бўлмаслиги айтилди.

— Энди яна бир хонадонга борамиз, лекин бунисига яхши сабаб билан, — дейди раис кўчага чиққанимизда. — Эргаш ака шу ҳафта тўй қиладиган, келин олаяпти.

Ҳар соҳадан бир шингил, деганларидай у ёқдан, бу ёқдан гаплашиб, Мустақиллик кўчасидаги Эргаш Отауллаевлар ҳовлисига кириб бордик. Бизни хонадон соҳибининг ўзлари тавозе билан кутиб олди. Тўйнинг маслаҳати бошланиб кетди.

— Тўй яхшикуя, лекин ташвиши кўп-да, — сўз бошлади умр бўйи новвойлик қилиб келаётган Эргаш ака. — Униси кам, буниси кам, дегандай.

— Каму кўстини қўяверинг, бўларидан айтинг, — деди раис. — Рози бўлсангиз, тўйингизни ортиқча чиқимларсиз, дабдабаю, ассасасиз ўтказиб берамиз.

— Барибир, элнинг расм-русумини қилмасак бўлмайди-да.

— Шундай. Элдан чиқиб, қаёққаям борардингиз? Бироқ фотиҳа тўйи, катта тўй, йигитлар учун базм, қизлар учун базм деган гапларни унутасиз. Яхшигина тўй қиламиз. Элга ош тортасиз. Базмни ихчамгина, ширингина қилиб, эсда қоладиган тарзда ўтказдирамиз. Ўзимиз бош-қош бўламиз, каму кўстига мана, биз тайёр.

Раиснинг гаплари Эргаш акага маъқул тушди шекилли, эътироз билдириб ўтирмади.

— Тўйдан бир кун олдин келиб турамиз. Биз бор, ўйланманглар. Тўйингизни тўймисан-тўй қилиб ўтказиб берганимиз бўлсин. Омин.

Кўчага чиққанимизда қуёш терак бўйи кўтарилиб, атрофни қиздира бошлаганди. Юрган дарё, ўтирган бўйра, деганларидай «Пахтасаноат» вилоят ҳиссадорлик жамиятига яқинлашиб қолибмиз. Шу ердаги очиқ майдонда ишлаётган бир гуруҳ ёшларни кўргач, раис изоҳ берди:

— Маҳаллага спорт майдони қурмоқчимиз. Ёшларимиз ҳар куни ҳашар уюштираяпти. «Пахтасаноат»нинг вилоят ташкилоти, Ўзбекистон — Британия «Жибри» қўшма корхонаси ҳомийлик қилаётир. Насиб этса, бир-икки ой ичида битказамиз.

Бири кетмон, бири белкурак кўтарган йигитлар ҳазил-ҳузул билан ер текислашаётган экан.

— Шаҳарда стадионлар кўп, — дейди ҳашарчиларга бош-қош бўлиб турган чайир йигит. — Лекин ўзингникига етмас экан. Ҳадемай битириб қўямиз. Кейин маҳалламизнинг ёшу кексаси шу ерда хоҳлаган вақтларида истаганларича спорт билан шуғулланаверишади.

— Биздан қандай ёрдам? — сўради раис.

— Битта «Мальютка» бўлсайди...

— Бўлади, ҳозироқ ҳал қиламиз.

Раис бизни ёшлар олдида қолдириб, ўзи «бир минутга» дея қаергадир кетди. Орадан 5-10 дақиқа ўтар-ўтмас қайтиб келдида:

— Ярим соатда пахта заводнинг «Мальютка»си шу ерда бўлади, — дея йигитларни хурсанд қилди.

Ҳашарчилар билан хайрлашиб, маҳалла идорасига бурилдик. Бу ерда раисни икки-уч киши кутиб турган экан.

— Тошкент кўчасида таъзия бўлиб қолди, — деди улардан бири. — 52-уйда турадиган Евгений ака бетоб эди, тонгга яқин узилди. Шунга...

— Оллоҳ раҳматига олган бўлсин, — юзига фотиҳа тортди отахон. — Оламдан ўтибди-да бояқиш. Ҳеч кими йўқ эди шекилли.

— Ҳа, қаровчисиз қолганди, бечора. Бирров бориб, расм-русумини келиштириб, кўмак ташкиллаштириб берсак...

Марҳумнинг уйига келганимизда Евгений Акулишкиннинг 3-4 қўшниси шу ерда экан. Тезда бир қарорга келинди: «Биродарлик» қабристонига қўйиладиган бўлди. Марҳумни сўнгги йўлга кузатиб қўйиш билан боғлиқ ишлар бир ёқлик бўлгунича вақт ҳам пешиндан ўтибди.

— Энди Ҳошим отаникига борамиз, — деди раис бизга юзланиб. — Бетоб экан, бир йўқлаб қўйганимиз маъқул.

Узун-қисқа бўлиб Мустақиллик кўчасидаги шинам ҳовлиларнинг бирига кириб келдик. Дарвозахонадан ўтишимиз билан саранжом-саришта ҳовлига кўзимиз тушди. Барқ уриб турган гуллар, атрофдаги орасталикни кўриб, баҳри-дилимиз очилди. Бизни ҳовли саҳнига сув сепаётган йигитча қарши олди:

— Келинглар, келинглар, — дея истиқболимизга пешвоз чиқди:

— Ҳошим отани йўқлаб келувдик.

— Бобомними? Бобом уйдалар. Озроқ тоблари қочганди, ҳозир яхшилар.

Йигитча бизни Ҳошим ота ётган уй томон бошлади. Ҳовлидаги гап-сўзларни эшитиб, ўрнидан қўзғалаётган отахонни раис турғани қўймади.

Бир пиёла чой устида бўлган суҳбат чоғида беморнинг кўнгли кўтарилди...

Маҳалла идорасига қайтиб келганимизда қуёш уфққа томон оға бошлаганди. Бу ерда машина кутиб турган экан. Боқувчисини йўқотган оилалар, ёлғиз қарияларнинг ҳолидан хабар олиш учун йўлга тушдик. Муқимий кўчасидаги Лилия Казакованикида, Ширин кўчасидаги Лола Мирзаеваникида, М.Раҳимов кўчасидаги Раҳмонқул Мавлоновникида, Зомин кўчасидаги Нигора Тошматованикида, шу кўчадаги Рафил Рафиқовникида, Беруний кўчасидаги Маҳлиё Мавлонованикида бўлиб, уларнинг ҳар бирига ёғ, ун, гуруч, шакар, чой, совун сингари кундалик эҳтиёж маҳсулотларини тарқатиб чиққунимизча вақт кеч бўлиб, қоронғу туша бошлади.

— Бугунга етар, — деди раис. — Менку, ўрганиб қолганман-а, аммо сизлар толиққандингизлар.

Идорага қайтдик. Милиция таянч пункти вакили раисга бир варақ қоғоз тутқазди. Унда бугун маҳалла ҳудудидаги «Кўк бозор»да жойлашган дорихонадан 500 минг сўмлик дори-дармон ўғирлангани, шу масала бўйича тергов ишлари бошланганини маълум қилинганди.

— Маҳаллада ҳар хил одам борда, — деди раис. — Яшириб нима қилдик: яхшиям бор, ёмон ҳам, ўғриям бор, тўғри ҳам. Саккиз миллатга мансуб 3000 аҳоли яшайди. Шундан 1150 киши меҳнатга лаёқатли. 9 нафар фуқарога ишсизлик мақоми берилган. 76 та кам таъминланган оиламиз, 370 нафар нафақахўримиз бор. Ҳудудимизда 10 нафар II жаҳон уруши қатнашчиси, 5 нафар биринчи гуруҳ ногирони яшайди. 15 нафар кўча оқсоқолимиз барча ишларда бош-қош. Огоҳлик, ҳушёрлик кундалик шиоримизга айланган. Мактаб, болалар боғчаси, дўкон, ошхонаю чойхоналар маҳалладошларимиз хизматида.

... Вақт ўтиб борарди. Раис билан хайр-хўшлашиб, ташқарига чиққанимда қоронғулик ҳам қуюқлашиб қолганди. Кўчаларда одамлар сийраклашган. Учрашув ҳамда воқеаларга бой, ҳийла тиғиз ўтган бугунги кун таассуротлари билан борар эканман, билакларига зангори лента таққан икки йигит тўхтатди.

— Узр, ака, айбга буюрмайсиз, маҳалла посбонларимиз. Сизни танимайроқ турибмиз.

Ўзимни танитдим. Йигитлар яна бир бор узр сўраб, йўлларига кетишди.

«Огоҳликка нима етсин...» деб қўйдим ўзимча.

... Шундай қилиб, маҳалланинг яна бир куни ортда қолди. Фақат мен учун, албатта. Аслида маҳаллада ҳаёт давом этаяпти, ўз қувончу ташвишлари билан...

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

---

Ўзбек халқининг бой маданий мероси европаликлар қизиқишини тобора орттириб бормоқда. Ута Шилинг раҳбарлигидаги «Чилтон» немис фольклор ансамблининг шу йил биринчи сентябрь куни Ўзбекистонда бошланаётган танишув сафари бунга мисол бўла олади. Гуруҳ аъзолари уч ой давомида А.Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтида малака оширишади.

## ЎЗБЕКИСТОНГА ЎЗ ДОИРАСИ БИЛАН

1998 йил Берлиндаги Гумбольдт номли университет қошида ташкил топган мазкур ноёб фольклор жамоа иштирокчилари немис тингловчиларига ўзбек мусиқа санъатини тақдим этиш билан машғул. Концерт дастурларида доира, рубоб, ғижжак каби шарқона чолғу асбобларида ижро этилган мумтоз ўзбек мусиқа асарларини тинглаш, ашула ва рақс санъати намуналаридан баҳраманд бўлиш мумкин.

— Мен Ўзбекистонда кўп бўлганман, — дейди Ута Шилинг. — Ўтган йили ансамблимиз «Шарқ тароналари» фестивалида иштирок этиб, махсус мукофот совриндори бўлган эди.

Миллий чолғу асбобларининг сир-асрорини ўргатадиган, ўзбек мусиқаси ва рақслари анъаналари билан таништирадиган муносиб устозни эса, табиийки, фақат Ўзбекистондан топиш мумкин. Шу боис таниқли ижрочилар ва ўқитувчиларнинг тажрибасини ўрганиш, уларнинг маҳорат мактабини ўташ мен ва ансамблимиз иштирокчиларига эзгу орзу бўлиб келган.

**Аслам АКБАРОВ,**
«Жаҳон» АА,
Берлин



# XORIJDA

## РЕСПУБЛИКА САЙЛОВГА ТАЙЁР

Чеченистон Республикаси сайлов комиссияси раиси Абдул-Карим Арсахоновнинг маълум қилишича, 29 августда бўладиган навбатдан ташқари Президент сайловини ўтказиш учун барча шарт-шароит яратилди.

603 мингта сайлов бюллетени тайёрлаб қўйилган, улар ҳудудий сайлов комиссияларида сақланмоқда. Республикада 20 та ҳудудий, 430 та участка сайлов комиссияси мавжуд бўлиб, участка сайлов комиссиялари тизимига 3700 дан ортиқ ходим бириктирилган, шунинг 60 фоизини аёллар ташкил этади. Рўйхатга киритилган сайловчилар 587 минг кишини ташкил этади.

Навбатдан ташқари мазкур Президент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун бюджетдан 60,7 миллион рубль миқдорида маблағ ажратилди.

«Новости» агентлигининг хабар беришича, мазкур жараёнда 20 га яқин халқаро кузатувчи иштирок этади.

Россия Марказий сайлов комиссияси раиси Александр Вешняков журналистларга шуни маълум қилдики, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ижроия қўмитасидан 10 га яқин вакил, шунингдек, Араб давлатлари лигаси ва Ислом Конференцияси ташкилотидан ҳам кузатувчилар келади. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти эса вакил жўнатилишини ҳозирча тасдиқлаганлари йўқ. Улар яқин кунларда Қозоғистон, Украина ва Белорусияда ҳам сайлов кампанияси бошланишини уқдириб, бу республикаларга ҳам кузатувчилар жўнатиши лозимлигини айтишмоқда.

Дарвоқе, РФ давлат думасининг турли фракцияларидан ва Федерация Кенгаши аъзоларидан иборат кузатувчилар ҳам Чеченистонга ташриф буюрадилар.

## БИР ЎРИНГА БЕШ КИШИ

«Белорусская деловая газета» хабар беришича, Белорусия округ сайлов комиссиялари мамлакат парламентининг Вакиллар палатаси депутатлигига ўз номзодини кўрсатган 555 та ташаббускор гуруҳни рўйхатдан ўтказди. Шундан 371 таси «партиясиз»дир. 74 та гуруҳнинг аризаси қайтарилди, 6 нафари эса ўз аризаларини ўзлари қайтиб олишди. Ҳозир имзо йиғиш жараёни қизғин кетмоқда. 10 га яқин ташаббускор гуруҳ ўтган ҳафтадаёқ имзо йиғишда белгиланган меъёрдан ўтиб кетди.

Ташаббускор гуруҳларнинг фаоллиги, айниқса, Минскда кўзга яққол ташланмоқда. 134 та ариза тушган бўлса, шундан 124 таси ташаббускор гуруҳга тегишлидир. Шундай қилиб, Минскдаги 18 та округнинг ҳар бирида 7 тадан ташаббускор гуруҳ рўйхатга олинган. Парламентдаги бир ўринга эса 5 номзод тўғри келмоқда.

## КОДЕКС ЛОЙИҲАСИ МАЪҚУЛЛАНДИ

Еврокомиссиянинг янги раиси Жозе Мануэл Баррозу раҳбарлигида Брюсселда ўтган еврокомиссарларнинг норасмий йиғинида уларнинг хулқ-атвори, ўзларини қандай тутишлари тўғрисидаги Кодекс лойиҳаси маъқулланди. Европа Иттифоқи олий ижроия органининг Котибият раиси Вал де Альмейданинг айтишича, Кодекс шу йил сентябрда расмий тасдиқланади.

Кодексда белгиланган қоидаларга кўра, еврокомиссарларнинг холислигини, эрки ва мустақиллигини таъминлаш мақсадида айнан улар мансуб бўлган давлатлардан ёрдамчилар ва матбуот котиблари сайланмайди, яъни уларнинг ёрдамчи ва матбуот котиблари бўлмайди. Бундан ташқари, улар берилган ҳар қандай расмий совға-саломларни очиқчасига қайд эттириб қўйишга мажбур.

Йиғинда ЕИ комиссарларининг келгусидаги фаолият режалари ҳам муҳокама этилди.

Маълумки, янги таркибдаги еврокомиссарларнинг мансаб-вазифалари 12 августда Баррозу томонидан эълон қилинган эди. Улар шу йил 1 ноябрдан ўз вазифаларини бажаришга киришадилар. Еврокомиссарларнинг янги таркибида 8 нафар аёл ҳам бор.

Амалдаги Еврокомиссия билан янги таркибдаги Еврокомиссия ўртасидаги фарқ шундаки, янги таркибдаги Еврокомиссияда ЕИга аъзо ҳар бир давлатдан биттадан вакил бўлади. Бугун амалда турган Еврокомиссия таркибида эса Германия, Франция, Буюк Британия, Италия ва Испания давлатлари 2 нафардан еврокомиссарга эга.

## ГУЛЛАРДАН ЯРАТИЛГАН ГИЛАМ

**Бельгия пойтахтининг марказий майдони – Гранд Плас сатҳини уч кун давомида турфа гуллардан яратилган улкан гилам қоплаб турди.**

Таниқли француз ёзувчиси Виктор Гюго таъбири билан айтганда «дунёнинг энг гўзал майдони»ни гуллар билан безаш анъанаси 1971 йилдан бошланган. Шаҳарнинг ўша вақтдаги ҳокими кичик шаҳарчаларда фламанд ландшафт меъморлари томонидан яратилган гуллар композицияларидан руҳланиб ана шундай қарорга келган эди.

1980 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир марта мунтазам тарзда ўтказиб келинаётган мазкур тадбир турли мавзуларни қамраб олади. Бу йилги композиция XIX аср охири – XX аср бошида яшаб ўтган бельгиялик меъмор Виктор Орта хотирасига бағишланган.

Гулдан ясалган гилам 1800 квадрат метрдан иборат (75x24 м). Ҳар квадрат метр майдонга 300 тагача гул ўтказилган. Шундан ҳам кўриниб турибдики, ўзига хос ажойиб гиламни яратиш учун ярим миллиондан кўпроқ гул кетган.

Гилам кашталарини яратиш, гулларни парваришлашдан тортиб майдонда жонли муҳитни яратишгача бўлган жараёнга ўн икки ойдан кўпроқ вақт сарфланади. Бу эса, табиийки, юзлаб кўнгиллилар меҳнатини талаб қилади.

Инсон тасаввур олами ва меҳнати, боғдорчилик ва дизайн санъатининг ноёб маҳсули бўлмиш ушбу гўзаллик билан танишиш мақсадида Гранд Плас майдонига брюсселликлардан ташқари Бельгия пойтахтининг ўн минглаб меҳмонлари ташриф буюришди. Брюссель мэри Фреди Тилеманс гулдан яратилган янги гиламни тақдим этар экан, у Бельгия пойтахти аҳолисининг умид ва дўстлик тилаклари эканини эътироф этди.

**Жамшид МУТАЛОВ,**
«Жаҳон» АА,
Брюссель

## ЭКСПОРТ ТЎХТАТИЛДИ

Малайзия Қишлоқ хўжалиги вазирлиги вакили Муҳаммад Нурнинг Reuters агентлигига хабар беришича, мамлакатда ўлим билан якунланувчи «парранда гриппи» бошланаётганлиги қайд этилган. Лаборатория тадқиқотларининг натижалари шуни кўрсатдики, паррандалардан олинган H5N1 штамм (микроорганизм)лари ҳаёт учун ўта хавфлидир. Шунинг учун Малайзия ҳукумати товуқ гўшти маҳсулотлари экспорт қилишни тўхтатди.

Йил бошидан бери 30 га яқин парранда айнан «парранда гриппи»дан ўлган.



TDM



# «ТОШКЕНТДОНМАҲСУЛОТ»

## ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ МЕҲНАТ ЖАМОАСИ

*серқуёш Ўзбекистон халқини энг улуғ, энг азиз, қутлуғ байрам — мамлакатимиз мустақиллигининг*

**13 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН**

*самимий қутлайди.*

**Хизр назари тушган юртимизга кўз тегмасин, тинчлик ва барқарорлик абадий бўлсин! Ўтган ўн уч йил мобайнида Ўзбекистонда мисли кўрилмаган ўзгаришлар юз берди.**

**Бу — узоқни кўзлаб амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг, халқимиз бунёдкорлик меҳнатининг ёрқин самарасидир. Иқтисодиётимиз тобора юксалиб бормоқда. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш, маҳсулот ҳажмини кўпайтириш, сифатини ошириш борасида анча ишлар қилинмоқда. Айниқса, тизимимиздаги корхоналарда технологик жараёнларни такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш борасидаги ютуқлар таҳсинга лойиқ.**

**Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратиш йўлида бундан буён ҳам ҳормай-толмай меҳнат қиламиз.**

***Мустақил Ватанимиз равнақи, тараққиёти йўлида фидокорона меҳнат қилаётган ҳамюртларимизнинг барчасига тинчлик, осойишталик ҳамда фаровонлик тилаймиз!***

*ЮРТИМИЗ ТИНЧ, ОСМОНИМИЗ МУСАФФО БЎЛСИН!*



# ҲАЛ ҚИЛУВЧИ БАҲСЛАР

Афинада ўтаётган XXVIII ёзги олимпиаданинг ўнинчи кунги баҳсларига якун ясалди. Сузиш, дзюдо, милтиқдан ўқ отиш, стол тенниси, спорт гимнастикаси, трамполин, теннис каби мусобақаларда ғолиб ва совриндорлар номи аниқ бўлди. Мазкур спорт турлари бўйича кураш олиб борган ҳамюртларимиз ўз имконият ва маҳоратларини яна бир бор синовдан ўтказишди. Жумладан, Афина олимпиадасига йўлланмани қўлга киритган 69 нафар спортчимизнинг асосий қисми баҳслардан медалсиз қайтадиган бўлдилар.

Эсингизда бўлса, 2000 йили Сиднейда ўтган олимпиадада Ватанимиз спортчилари битта олтин, битта кумуш, иккита бронза, жами тўртта медалга сазовор бўлган. Эришилган мазкур натижа асосан бокс ва эркин кураш спорт турлари бўйича қайд этилганди. Бу галги Олимпия ўйинларида ҳам спортчиларимизнинг юқоридаги турлар бўйича совринли ўринларга даъвогарлик қилиши эътироф этилаётир. Шунингдек, медаллар учун курашадиган спортчиларимиз қаторига байдаркада эшкак эшувчилар ҳам қўшилганлиги айниқса қувонарлидир. Ушбу спорт турлари бўйича кучлилар олимпиада баҳсларининг охирги кунларида аниқланади.

Шу кунгача тўққиз боксчимиздан уч нафари чорак финалга йўлланма олди. Булар Тўлашбой Дониёров (51 кг.), Баҳодиржон Султонов (54 кг.) ҳамда Ўткирбек Ҳайдаров (81 кг.)лардир. Баҳодир Султонов ҳамда Ўткирбек Ҳайдаровларнинг дастлабки ғалабалари ҳақида аввал хабар қилгандик. Нимчорак финалда Тўлашбой Дониёров америкалик Рон Силверга рўбарў келди. Ҳамюртимизнинг катта устунлиги остида ўтган мазкур учрашувда Тўлашбой 45:22 ҳисобида зафар қучди. Кеча кечқурун эса чорак финалда яна бир вакилимиз Баҳодиржон Султонов канадалик Андрей Куперга қарши рингга чиқди.

Бундан ташқари, кеча байдарка ва каноэ бўйича мусобақалар старт олди. Бу баҳсларда жаҳон чемпионати совриндори, жаҳон кубоги соҳиби Антон Ряхов билан биргаликда Сергей Борзов, Михаил Тарасов, Даниил Турчин, Дмитрий Стрижков, Алексей Бобожонов сингари тажрибали байдаркачиларимиз юртимиз шарафини ҳимоя қилишмоқда. Шунингдек, 94 кг. вазн тоифасида оғир атлетикачимиз Фурқат Саидов ҳам кеча саралаш босқичида ўз имкониятини синаб кўрди.

**Эркин ХОЛБОБО**

# ПЕШҚАДАМ ЯНА ЎЗГАРДИ

Тўққизинчи кунги баҳслардан сўнг, умумжамоа ҳисобида энг кўп олтин медаль жамғарган хитойлик спортчилар яна пешқадам бўлиб олишди. Эътиборлиси, 2008 йилги олимпиада мезбонлари Афина майдонларида ўз спорти тарихидаги юзинчи Олимпия олтин медалини қўлга киритдилар. Бундай бахтга стол теннисчисиИнинь Чжан сазовор бўлди. У аёллар ўртасида ўтган мусобақа финалида КХДР вакиласи Хьян Ми Кимни мағлубиятга учратди.

| | О | К | Б | Ж |
|---|---|---|---|---|
| 1. Хитой | 22 | 14 | 10 | 46 |
| 2. АҚШ | 21 | 21 | 13 | 55 |
| 3. Япония | 13 | 6 | 6 | 25 |
| 4. Австралия | 12 | 8 | 12 | 32 |
| 5. Германия | 9 | 9 | 12 | 30 |
| 6. Франция | 9 | 7 | 8 | 24 |
| 7. Россия | 7 | 13 | 16 | 36 |
| 8. Италия | 7 | 6 | 6 | 19 |
| 9. Буюк Британия | 6 | 7 | 7 | 20 |
| 10. Руминия | 6 | 3 | 3 | 12... |

Эслатиб ўтамиз, Хитой 1984 йилда Халқаро Олимпия қўмитасига аъзо бўлганди.

✧ ✧ ✧

Мусобақа дастуридан жой олган футбол ўйинларини мамлакатимиз ишқибозлари ўзгача диққат-эътибор билан кузатишяпти. Чунки, олимпиадада иштирок этаётган Ироқ футболчилари 2006 йилда Германияда ўтадиган навбатдаги жаҳон чемпионати саралаш босқичида Ўзбекистон терма жамоаси билан бир гуруҳда тўп сурмоқда.

21 август куни уюштирилган чорак финалда Австралия терма жамоасига қарши ўйнаган ироқликлар 1:0 ҳисобида зафар қучиб, ярим финалга йўлланмани қўлга киритишди. Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: Парагвай — Жанубий Корея — 3:2, Аргентина — Коста-Рика — 4:0, Мали — Италия — 0:1 (асосий вақт — 0:0).

Бугун бўладиган Италия — Ироқ, Аргентина — Парагвай олимпия терма жамоалари баҳсидан сўнг, финалчилар номи маълум бўлади.

Муҳтарам юртдошлар!

BANK XALQ BANKI

Ўзбекистоннинг энг йирик ва универсал банкларидан бири

ХАЛҚ БАНКИ

барчангизни республикамиз мустақиллигининг

13 ЙИЛЛИК

байрами билан самимий муборакбод этади.

Азизлар, хонадонингизни хотиржамлик, дастурхонингизни қут-барака, қалбингизни қувонч ҳеч қачон тарк этмасин. Юртимизда тинчлик, осойишталик доимо ҳукмрон бўлсин. Истиқлолни мустаҳкамлаш йўлидаги ишларингизда куч-қувват ҳамиша ёр бўлсин!

ХАЛҚ БАНКИ — Сизнинг оилангиз банки!



TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI JAMOASI

барча ватандошларимизни энг улуғ, энг азиз байрам — Ўзбекистонимиз мустақиллигининг 13 йиллиги билан қизғин қутлайди. Мамлакатимизда мулкдорлар сафи кўпаяверсин. Меҳнатимиз юртимизга, хонадонларимизга қут-барака олиб кираверсин. Юртда тинчлик, хонадонларда тотувлик, кўнгилларда осойишталик доимо ҳукм сурсин.

АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!



Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази биржа савдоларига таклиф қилади. Битимларнинг тезкорлиги, ишончлилиги, сир тутилиши кафолатланади.

БИЗНИНГ МАНЗИЛ: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-А уй.
ТЕЛЕФОН: 133-25-21. Факс: 133-20-74.
WWW.tshmbm.us E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz

Хизматлар лицензияланган

## Ҳикматли сўзлар маъноси

### ПАЙТИ КЕЛГАНДА ДАРАХТ ГУЛЛАЙДИ

Бу билан: «Дарахт ёзин-қишин гуллайвермайди, гуллаш пайти келгандагина гуллайди. Шунингдек ҳаётда ҳар бир нарса ўз вақти-соати етганда бўлади. Сабр қил, шошма, ҳовлиқма!» дейилмоқчи.

### ПИЧОҚНИ ОЛДИН ЎЗИНГГА УР, ОҒРИМАСА — БИРОВГА

«Бировга жуволдиз суқмоқчи бўлсанг, Олдин ўзингга игна ур»; Ўтни ўзингга бос, ўтмаса-ўзгага». Бу мақоллар билан кишини одамларга зинҳор ёмонлик қилмаслик, ёмонлик соғинмасликка даъват этадилар.

### ПОКЛИГИНГ — СОҒЛИГИНГ

Кишини доимо покиза, озода бўлиб юришга даъват этувчи мақол. «Тозалик — соғлик гарови», «Соғ юрай десанг, озода бўл!», «Оқ бўлмаса бўлмасин, пок бўлсин», «Жанда бўлса бўлсин, Ганда бўлмасин» (Бу кейинги икки мақол кийим-кечакни озода тутиш ҳақида айтилган. Жанда — дарвеш ва қаландарларнинг улоқ-қуроқ тўни. Ганда — ифлос, нажас), «Қарамаган бошни бит ейди», «Қўлинг терли бўлса, қўл олишиб кўришма!» (Ўтмишда ота-боболаримиз бир-бирлари билан қўлларини кўксиларига қўйиб кўришганларининг боиси ҳам ана шунда.)



turkuaz

САВДО МАРКАЗИ

ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини, Мустақилликнинг 13 ЙИЛЛИК байрами билан табриклайди! Барчамизга бахту саодат, фаровонлик, тинчлик-омонлик ёр бўлсин!

СИЗЛАРНИ САВДО МАРКАЗИМИЗГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.



Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Охунбобоев майдони собиқ ГУМ биноси.



ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ

«ИПАК ЙЎЛИ ТУРИЗМ ИНВЕСТ»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ҚЎШМА КОРХОНАСИ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАДАН

«Firat Plastik» (Туркия) фирмасининг айланаси 20 дан 63 мм.гача бўлган совуқ ва иссиқ сув, иситиш тизими учун полипропилен трубаларни (PPRC 3-тип) ва турли хил фитингларни сотади.

Маҳсулот сертификатланган.

Телефонлар: 134-78-49, 134-01-01, 176-81-63
факс: 134-78-49.Email: jvsilkroad@ inbox.ru

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Azimjon AYUPOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Shohaydar MIRHABIBOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 961
7748 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
O`zA yakuni — 21.00.
Topshirish vaqti — 21.30
2 3 4 5
SOTUVDA ERKIN NARXDA